Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 5 июль, чоршанба • № 53 (10.729) • Эркин нархда сотилади

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг тўртинчи, ҳар йилги сессияси ишида қатнашиш учун 2 июль куни Канаданинг Оттава шаҳрига жўнаб кетди.

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Бош вазири Тансу Чиллер шу йил 9-10 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. О. ФАЙЗУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Омонуллаевич Файзуллаев Ўзбекистон Республикасининг Бельгия қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 июль.

БУЮК ОҚИН ТЎЙИГА ҲОЗИРЛИК

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 5-8 июль кунлари Ўзбекистонда буюк қозоқ оқини Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланади.

3 июль куни Абай юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раиси С. Саидқосимов бошқарди.

Мажлисда тегишли вазирлик, ҳокимлик, идора ва уюшма раҳбарларининг юбилейга тайёргарлик ишларининг бориши хусусидаги ахборотлари тингланди. Қабул қилинган юбилей дастурига кўра, республика Фанлар академиясида Абай ижодига бағишланган илмий конференция, байналмилал маданиятлар марказида учрашув, Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрида юбилей кечаси ўтказилади. Мазкур тадбирларда қозоғистонлик меҳмонлар ҳам иштирок этади. Улар нафақат Тошкент шаҳридаги, балки Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги юбилей тантаналарида ҳам қатнашадилар.

Мажлисда буюк қозоқ адибининг мазкур тўйи Туркистон халқларининг бирбирига янада яқинлашувига, хусусан, ўзбек ва қозоқ халқларининг азалий дўстлиги мустаҳкамланишига хизмат қилиши таъкидланди.

(ЎзА).

АНИҚ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА» КИТОБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг давлат мулкини хусусийлаштириш, бутун иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни ҳамма жойда чуқур илдиз отган янги босқичига кирди. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобат муҳитини шакллантириш — бутун хўжалик мажмуини янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим вазифадир. Мамлакат мустақиллик йилларида қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ютуқларга эришгани, бундан буён қай йўл билан бориш, нималарга алоҳида аҳамият бериш, қайси йўналишларни устувор деб билиш — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг яқинда ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби мана шу муаммоларга бағишланган.

Атоқли иқтисодчи олимлар Л. Абалкин ва С. Ситорян Тошкентга ташриф буюришганида, улар билан МДҲ мамлакатларидаги иқтисодий ва сиёсий аҳвол, бу ҳолнинг кейинги ривожи ҳақида батафсил суҳбатлашдик. Мен суҳбатдошларим Ўзбекистондаги вазият билан жуда муфассал танишлиги, бизнинг муваффақиятларимиз ва янги жамият қуриш йўлида дуч келаётган муаммоларимиздан яхши хабардор эканини кўриб ҳайрон қолдим. Олимлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий концепцияни тўла қўллаб-қувватлаб, республика Президентининг бу ишда тутган ўрни ва хизматларини юксак баҳоладилар. Ислом Каримовни кўп йиллардан бери билган кишилар сифатида улар юртбошимизни ниҳоятда зукко, ҳақиқий иқтисодчи, ҳар томонлама билимга эга бўлган, ижтимоий тараққиётнинг кўпгина муҳим муаммоларига ўз нуқтаи назари билан қарайдиган раҳбар деб баҳолашди.

Ислом Каримов ўзининг кейинги йилларда жаҳон майдонида катта обрў-эътиборга эга бўлган, яқин ва узоқ хориж давлатларида фикри билан ҳисоблашиладиган кўзга кўринган давлат арбоби эканини кўрсатгани бу олимлар учун мантиқий ва табиий ҳол эди.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби — Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин ўтган даврнинг якуний таҳлили, эришилган ютуқлар ва ҳал этилмаган муаммолар ҳақидаги ўйлар маҳсули, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар келажагига ташланган равшан назардир. Муаллиф қайд этганидек, бу дастурни амалга ошириш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, кичик хусусий корхоналар барпо этишни кенг йўлга қўйиш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш лозим бўлади. Буларнинг барчаси тузилмаларни тубдан янгилаш, иқтисодиётни жаҳон бозорига чиқишга имкон берадиган янги даражага кўтариш, жаҳон иқтисодий тизимга жипслашишни тезлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Ислом Каримовнинг китоби: «Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» ва «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари» деб номланган икки қисмдан иборат. Китобнинг биринчи қисмида иқтисодиётни ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, бу жараён учун ҳуқуқий асос яратиш, хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, янги аграр муносабатларни вужудга келтириш, барча муҳим ижтимоий янгиланишларнинг асоси бўлмиш иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳақида гап боради. Китобнинг иккинчи қисми хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, учинчи қисми эса миллий валютани мустаҳкамлаш ва тузилмаларни тубдан янгилаш масалаларига бағишланган.

Китоб бўлимининг мазмуни иқтисодий муаммолар ҳал этилиши вақти жиҳатидан ҳам, олдинда турган мақсад ва вазифалар жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, айни пайтда уларни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш имконини берадиган юксак саноат ишлаб чиқаришига эга бўлган кучли демократик давлат қуришдек асосий мақсадга бўйсунувчи ягона жараённи ифодалаш вазифаси бирлаштириб туради. Китобда бошқа бир узвийлик ва яхлитлик ҳам бор: унда инсон, унинг ижтимоий орзу-умидлари, жамиятнинг маънавий қайта тикланиши хусусидаги ғамхўрлик яққол кўзга ташланади. Давлатимиз иқтисодиётини янгилашнинг бошқа жиҳатларини мутлақо камситмаган ҳолда, бу йўналиш Ислом Каримов сиёсатининг энг муҳим ва кучли томонларидан бири эканини алоҳида қайд этгимиз келади. Янги давлат ва ижтимоий қурилишнинг меъмори бўлган Ислом Каримов ўтиш даврига хос бўлган мураккабликлар ва қийинчиликлари бартараф қилиш, инсон муҳим омил ҳисобланган маънавий жамият барпо этиш учун барча ишни қилаётганини халқ яхши биларди. Китоб мазмунидан: инсонга хизмат қилмаган биронта давлат тизими мавжуд бўлишга ҳақли эмас, деган муҳим хулоса чиқариш мумкин.

Давлатимиз бошлиғи сиёсатининг юксак маънавий аҳамияти ва кучи ҳам ана шунда.

Энг аввало, Ислом Каримовнинг узоқни кўра олиш қобилиятига тан бериш керак. У бир қанча мамлакатларда кенг тарғиб қилинган, бироқ жамиятга қатор қўшимча муаммолар ва жиддий қийинчиликларни олиб келган «Фалаж қилиб даволаш» йўлидан бормади. Ислом Каримов ҳис-туйғу таъсирида эмас, жиддий илмий ва амалий таҳлил, истиқболни аниқ кўра билиш туфайли бозорга «Бош билан шўнғиш» билан иш битмайди, бу сиёсат давлатга жуда қимматга тушади, халқни қашшоқлаштиради ва бошқа тузатиб бўлмайдиган фалокатларга бошлайди, деган хулосага келади. Ислом Каримовнинг нияти аниқ: тизимни тадрижий равишда ислоҳ қилишни таъминлаш, тараққиётнинг эркин ва ўзига хос йўлидан бориш керак. Бу — энг муҳим, энг асосий концепциядир. Чунки, бошқаларнинг тараққиёт йўли, маърифатнинг бошқаларга хос нуқсаси қутилган натижани бермайди, унинг келажаги йўқ, боши беркдир. Бу ўринда кўпгина мамлакатлар, жумладан Ғарбдаги тараққий этган мамлакатлар ҳам бугунги кунда ўз қадриятларини қайта назардан ўтказаётгани, улардан анчагина нуқсонлар топаётганини ҳам унутмаслик лозим.

Ўзбекистон бой табиий ресурсларга эга. Ана шунинг ўзи Ўзбекистоннинг жиддий мавқеини белгилаб беради. Чунки, бизга катта сармоялар ва юксак унумли технологиялар, замонавий машина ва ускуналар жуда зарур. Президент ташаббуси билан мамлакатга хорижий капиталнинг кириб келишини рағбатлантирадиган ҳақиқий ҳуқуқий негиз барпо этилган бўлиб, ҳозир у мантиқий тарзда янада ривожланмоқда. Ана шу мақсадда кўчмас мулк ва хорижий сармоялар бўйича миллий агентлик ташкил этилган. Сармояларини мамлакатимиз иқтисодиётига қўшмоқчи бўлганларнинг барчасини Ўзбекистон қонунлари ишончли равишда ҳимоя қилади. Бу ўринда ўтган йилда валюта кредит ресурслари 1,2 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетганини эслатишнинг ўзи кифоя бўлса керак.

Китоб муаллифи хорижий сармояларни жалб этишнинг энг фаол шаклларидан бири қўшма корхоналар барпо этиш эканини қайта-қайта таъкидлайди. Ҳозир Ўзбекистонда мингдан ошиқ қўшма корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий (низом) жамғармаси 100 миллион сўмдан ортиқ ва 50 миллион АҚШ долларига яқиндир. Қўшма корхоналар муассислари орасида «Ньюмонт», «Пепси-Кола» (АҚШ), «Рэнк ксерокс» (Буюк Британия), «Мерседес-бенц» (ҒФР), «Булдер» (Швейцария), «Дэу корпорейшн» (Жанубий Корея) ва бошқа машҳур фирмалар бор.

Ўзбекистон жаҳондаги олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар ишлаб чиқарадиган ўнта давлат қаторига кириши маълум. Шу пайтга қадар зарур технология йўқлиги туфайли фойдаланилмай келинган қатламларни қайта ишлайдиган «Зарафшон — Ньюмонт» Ўзбекистон Америка Қўшма корхонаси ишга тушиши билан олтин қазиб чиқариш янада кўпаяди. 225 миллион доллар қийматга эга бўлган лойиҳани маблағ билан таъминлашда жаҳондаги бир қанча банклар, жумладан Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳам иштирок этди. Бу қўшма корхонанинг лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлаши йиллик ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга кўчмас мулк ва маҳаллий корхоналар акцияларини сотишни кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Авиация ва автомобилда юк ташиш бўйича, шунингдек миллий тармоқларда қўшма корхоналар барпо этилиши рағбатлантирилмоқда.

Мамлакатда давлат саноат тузилмаларини очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ва хусусий мулкка айлантириш жараёни жадал кечмоқда. Бу — ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги даражага кўтариши, шунингдек акциялар чиқариш ва уларни сотишда қўшимча маблағларни жалб этиши лозим. Бу ишда акция ва кўчмас мулкни хорижий сармоядорларга сотишга алоҳида эътибор берилади.

Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий сармоя жамғармаси, «Тараққиёт» молия-инвестиция компанияси ташкил этилган. Жамоаларга юз миллион сўмлаб кредит ажратилмоқда. Ишбилармонлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармадан катта ёрдам олмоқдалар. Шарқ учун ишлаб чиқаришнинг асосан оилавий негизга асосланган кичик шакллари хосдир. Меҳнат ресурслари ошиб-тошиб ётган қишлоқ жойларида бундай ишлаб чиқариш айниқса кўпроқ ривожланади.

Монополиядан холос қилиш ишлаб чиқаришнинг мудофаа ва экологик аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бўлак барча тармоқларни қамраб олади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 45 минг корхона давлат тасаррўфидан чиқарилган, 3095 та акционерлик жамияти тузилган. Улардан 2881 таси очиқ турдаги жамиятдир. Корхоналар акцияларининг 25 дан 60 фоизгача қисми ходимлар ўртасида тақсимланган.

Ислом Каримовнинг китобида ишонарли тарзда кўрсатилганидек, Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар хусусияти шундан иборатки, бу ерда хусусийлаштириш аниқ — равшан объектлар бўйича олиб борилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, «Труд» газетаси бу ҳақда бир неча марта ёзган эди. Бу гап шуни билдирадики, 3 миллион оилага 550 минг гектар ер текинга томорқа қилиб ажратиб берилди, томорқанинг умумий ҳажми эса, 700 минг гектарга етди. Бир миллиондан ошиқ оила турар жойини хусусийлаштирди. Ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг ярмидан кўпи — бу қарийб 4 миллион 200 минг кишини ташкил этади — акциялар, мулк ва ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ҳисобланади. Саноат, савдо, хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқа соҳаларни хусусийлаштириш жадал амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда хусусий мулкдорларнинг қудратли қатлами пайдо бўлди ва энди орқага қайтиш мумкин эмас, деб хулоса чиқариш имконини беради.

Хусусийлаштиришдаги инсонпарварлик принципи уйжойни хусусийлаштиришда айниқса яққол намоён бўлди. Ўқитувчилар, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимлари, хуллас маоши ўлчовли бўлган кишилар, шунингдек уруш қатнашчилари, «афғончи» жангчилар, камхарж оилаларга уй-жой текинга хусусийлаштириб берилди.

Ишлаб чиқариш жамоаларига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Улар эскириб қолган асосий фондларни, имтиёзли акцияларни олишмоқда, ижтимоий муҳофаза турлари — профилакторийлар, ошхоналар, тиббиёт ва спорт муассасалари ҳамда бошқа масканлардан текинга фойдаланишлари мумкин.

Давлат фермерларга 200 минг гектарга яқин ер ажратиб берди, давлат хўжаликларини хусусийлаштиришда деҳқончилик жамоалари сезиларли имтиёзлар олди.

Ислом Каримовнинг китоби Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг, янги бозор муносабатларига ўтишнинг ўзигагина хос бўлган йўлини танлаб олганини яна бир бор ёрқин намойиш қилади. Шу билан бирга, назаримда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устун туриши, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ўтказилиши, фуқароларнинг кучли муҳофаза қилиниши, ўтказилаётган тадбирларнинг ҳуқуқий асоси барпо этилиши сингари асосий хулосалар бир ижтимоий тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилиши мумкин. Ислоҳотларни аҳолини муҳофаза қилиш бўйича кучли чора-тадбирлар билан қўшиб олиб бориш механизми Украина, Беларус ва МДҲдаги бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу тасодиф эмас, албатта: қўлга киритилган иқтисодий барқарорлик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан қўшилган ҳолда Ўзбекистонда барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтирди. Ким ўз мамлакатида мана шундай барқарор вазият бўлишини истамайди?! Ислом Каримов барқарорлик, тинчлик, тотувлик, миллий ва ижтимоий тараққиёт янги давлатчилик биноси барпо этиладиган пойдевор, халқаро ҳамжамиятга қўшилишнинг калити деб таъкидлаганида мутлақо ҳақдир. «Инсонпарварлик, эзгулик, очиққўнгиллилик каби умумбашарий қадриятларга амал қиладиган ва унга қўшиладиган мамлакат ва халқгина жаҳондаги бошқа халқларга яқин ва қадрли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин, фақат ана шундай мамлакат ва халқ билан тенг ва ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатиш мумкин», деган сўзларга ҳам қўшилмай бўлмайди.

Ўзбекистон янги, шу пайтгача синалмаган йўлдан бормоқда. Бу йўлда ютуқ ва ғалабаларгина эмас, хато ва камчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Миллий ва жаҳон миқёсидаги улкан аҳамиятга эга ишнинг биронтаси ҳам камчиликсиз бўлмайди албатта. Муҳими бошқа томонда — босилган қадамнинг тўғрилигини доимий равишда текшириб туриш, мўлжалдан адашмаслик, бош йўлдан чиқиб кетмасликдир. Китобда қайси муаммоларга эътиборни қаратиб, қайси нуқсонлардан халос бўлиш лозимлиги кўрсатиб берилгани унинг қимматини янада оширади. Муаллиф иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ҳаёт берган сабоқларни теран таҳлил қилади. Бу ўринда гап иқтисодиёт ва аҳоли даромадининг давлат томонидан бошқарилиши, солиқ сиёсати, ишлаб чиқариш тузилмалари, ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ички ва ташқи сармоя ресурсларини жалб этиш ҳақида бормоқда.

Буларга расмиятчилик ва тўрачилик, раҳбарларнинг лоқайдлиги ва виждонсизлиги, масъулиятни зиммасига олишни истамаслиги, жиноятлар ва ахолининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш сингари ҳолларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини қўшсак, масала янада ойдинлашади.

Китоб ўқувчини янги ишларга руҳлантиради. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки муаллифнинг ўзи «узун коридорлар» вакиллари сиёсатини, узундан узоқ, лекин ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган мажлислар ва сафсатабозликни ҳазм қилолмайдиган киши. У шунингдек, оғиз кўпиртириб гапириб, тирноқчалик иш қилмайдиганларни ҳам ёқтирмайди. У аниқ ва тушунарли ишлашга ўрганган. У ҳар бир муаммога ўзига хос тарзда, ўша муаммонинг илдизидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Ислом Каримовнинг янги китоби бу фикрни яна бир бор тасдиқлади.

«Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг нашр этилиши — ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, республика ҳаётидаги катта аҳамиятга молик воқеадир. Китоб аҳолининг барча қатлами — талабалардан тортиб, муассасалар, идоралар, хўжалик тармоқлари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларигача барча учун ўқиш ва ишда аниқ йўналишни кўрсатиб берадиган манбадир. Ҳар бир киши китобдан ўзи учун анчагина қимматли ва ибратли фикрларни топа олади. Ҳар бир киши ислоҳотлар тақдири учун, ватан тақдири учун ўзини масъул, деб билиши лозим. Китоб мана шунга даъват қилади.

Рубен САФАРОВ,
«Правда Востока» газетасининг Бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
(«Труд» газетасининг 1995 йил 30 июнь сонидан).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ТОШКЕНТ ВА ШАНЬСИ ВИЛОЯТЛАРИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, бир неча кун вилоятимизда меҳмон бўлган Хитой Халқ Республикаси Шаньси вилояти вакиллари Чирчиқ шаҳрининг эътиборга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Саноат корхоналарида меҳнаткашлар билан суҳбатлашдилар. Қибрай туманида улар жамоа хўжаликларининг далачилик, боғдорчилик ишлари, фермерлар фаолияти билан танишдилар. Қўшма ва кичик корхоналарда бўлдилар.

Иккала томоннинг бой имкониятлари вилоятлараро алоқаларни изчил давом эттириш йўлларини очди. Беш йил муддатга мўлжаллаб имзоланган Тошкент ва Шаньсий вилоятлари қайдномасига кўра, бундан буён ўзаро иқтисодий, маданий, савдо алоқаларини кенгайтириш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Шунингдек, томонлар маълум тармоқлар бўйича корхоналар раҳбарлари, мутахассислар сафарини йўлга қўйиб, тажрибаларни алмашадиган бўлдилар.

Маданий алоқалар ҳам ривожланиб боради. Хусусан, икки халқ ҳаётидаги муҳим саналар нишонланади, ахборот, кинофильмлар, видеоматериаллар алмашиб турилади. Бундан ташқари вилоятлардаги турдош корхоналар имкониятларидан келиб чиқиб, ўзаро шарномалар тузадилар ва шу асосда биргаликда иш олиб борадилар.

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ БЕРДИЛАР

Республика Олий Мажлисига вилоятимиздан сайланган депутатлар ўз сайловчилари олдида ҳисоб бердилар. Улар учрашувларда Олий Мажлис сессиялари қарорларини оммага кенг тушунтирдилар, ўз туманларида, иш жойларида ислоҳот борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

Бекобод туманида бўлиб ўтган мулоқот чоғида депутат М. Расулов туманни газлаштириш, Ангрен шаҳридаги учрашувда депутат Т. Анорбоев аҳолига тиббий, маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш билан боғлиқ қатор саволларга ҳам жавоб бердилар.

Ёзувчи Ўткир Хошимов эса Зангиота туманидаги «Зангиота» жамоа хўжалигида сайловчилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида депутатлик фаолияти ҳамда ўз ижодий режалари хусусида батафсил тўхталди.

«АДОЛАТ» САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Вилоятимизда «Адолат» партияси сафи кенгайиб бормоқда. Шу муносабат билан шаҳар ва туманларда таъсис анжуманлари, ташкилий пленумлар бўлиб ўтмоқда.

Бундай йиғилишлар Чирчиқ шаҳрида, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Паркент, Қуйичирчиқ туманларида бўлди. Уларда «Адолат» партиясининг шаҳар ва туманлар кенгашлари ҳамда кенгашлар котиблари сайланди.

Кимошди савдоси

8140 МИНГ СЎМГА СОТИЛДИ

БЎКА туманидаги Й. Ҳожиматов номли жамоа хўжалигида навбатдаги кимошди савдоси ўтказилди. Кимошди савдосига қўйилган сут-товар фермасининг сўнгги нархи 8 миллион 140 минг сўм баҳоланди. Уни шу жамоа хўжалиги аъзоси Баҳром Йўлдошев сотиб олди. Катта бир чорвачилик фермаси — барча бино ва техникалари ҳамда 310 бош қорамоли билан бирга янги мулкдорнинг хусусий хўжалигига айланди.

Кимошди савдосидан 800 минг сўм маблағ жамоа хўжалигининг ҳисоб рақамига келиб тушди. Ана шу пулнинг 540 минг сўмига хўжалик ҳозирдаёқ қишлоқ хўжалик техникаси учун эҳтиёт қисмлар, тележкалар, аккмуляторлар сотиб олди.

Туманда яқин кунларда яна бир кимошди савдоси ўтказилади. Унда шаҳар марказидаги меҳмонхона, ресторан, ҳаммом ва ер участкаси очиқ савдога қўйилади.

ЯНА БИР СУПЕРМАРКЕТ

ОЛМАЛИҚДА йирик замонавий савдо корхонаси — супермаркет дўкони ишга тушди. Ўнларча квадрат метр майдонни эгаллаган бу дўкон миллий меъморчилик анъаналари асосида барпо этиланлиги билан ҳам ажралиб туради.

Унинг ўнга яқин бўлинмаларида озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, кенг турдаги саноат моллари билан савдо қилинади. Янги супермаркет очилган куни унинг пештахталарига қўйилган маҳсулотлар тури икки мингтага етди. Дўкон жамоаси харидорлар ҳукмига ҳавола этилувчи маҳсулот турларини камайтирмаслик учун республикамиз ва унинг ташқарисидаги кўплаб савдо-саноат корхоналари билан шартномалар тузди. Замон талабларига, харидорлар эҳтиёжига жавоб берувчи бу дўконнинг ишга туширилиши олмалиқликларга савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилашга олиб келади.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРДАН БИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони вилоятимизда қандай бажариляпти?

Мамлакатимизда, шу жумладан, вилоятимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар энг аввало инсонга, унинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. «Ислоҳотлар давомида барча меҳнаткашларни тенг ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш, айниқса, аҳолининг ночор қатламларига ёрдам бериш, бошқача айтганда, эгаси аниқ ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш жараёнини фаоллаштириш талаб этилади», деб таъкидлади Республикамиз Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасида. Юртбошимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармони айнан ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Аҳолини муайян ижтимоий ҳимоялашга оид тадбирларни рўёбга чиқаришдаги аҳамияти билан алоҳида ажралиб турадиган бу фармон кучга кирганига тўққиз ой бўлди. Хўш, ана шу вақт ичида вилоятимизда бу соҳада қандай ишлар қилинди-ю, дастлабки тажрибалар нималардан иборат бўлди? Бу соҳада янгича усул қўлланилаётгани қандай самаралар беряпти? Муаммолар қай тарзда ҳал этилмоқда? Мухбиримиз ушбу фармоннинг ижроси билан боғлиқ ана шу саволлар билан вилоятда шу иш билан шуғулланаётган бир қатор масъул ходимларга мурожаат қилди.

Ш. ЁДГОРОВ — Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг бандлик хизмати бўлими мудири: — Гапни ижтимоий ҳимояни амалга оширишдаги янгича усулнинг афзаллигидан бошлай қолай. Чиндан ҳам кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам белгилаш ва тўлаш ўз-ўзини бошқариш органлари, яъни махалла қўмиталари зиммасига юкланганлиги айни муддао бўлди. Чунки бу йўл турли хил мураккаб ҳисоб-китоблардан ва жараённи амалга ошириш учун сарфланадиган кўпгина маъмурий харажатлардан, шунингдек, рўй бериши мумкин бўлган хато ва камчиликлардан халос бўлиш имконини бермоқда.

Маҳалларда кишилар ёнларидаги кўни-қўшниларининг қандай яшаётганлигини, ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини яхши биладилар. Шу сабабли маҳалла оқсоқолларидан иборат комиссия йиғилишининг камҳарж оилаларга ёрдам бериш тўғрисида чиқарган қарори ҳаммага ҳам маъқул тушяпти. Қолаверса, бу ишнинг маҳалла қўмиталарига ишонич топширилгани шу пайтгача ҳаммага маълум бўлган ва асабга тегаётган турли хил расмиятчилик ва қоғозбозликка барҳам берди, кишиларни даромадлари, яшаш жойлари тўғрисидаги ҳар хил маълумотномаларни тўплашдан халос этди.

Фармон кучга кириши муносабати билан шаҳарнинг барча худудларида маҳалла қўмиталари ва улар қошида моддий ёрдам белгилаш учун муҳтож оилаларни аниқлайдиган комиссиялар тузилган эди. Фаоллар аризаларни текшириш билан чекланиб қолмай муҳокама пайтида кимга қанча миқдорда ёрдам беришни ҳам узил-кесил ҳал қилмоқдалар. Масалан, 20-маҳалла комиссияси аъзолари Т. Ходиев, Р. Ниёзов, А. Шарипов, А. Ниёзов моддий ёрдам сўраб ёзилган аризаларни муҳокама қилаётиб, улар орасида 2-Муҳандислик кўчасининг биринчи уйида истиқомат қилаётган Н. Эрназаровни биринчи бўлиб рўйхатга киритишни талаб қилдилар.

— Ахир, унинг оиласида ўн уч фарзанд бор, — деди Т. Ходиев. — Шулардан тўққиз нафари мактаб ёшида. Ёрдамга жуда ҳам муҳтож.

— Мен ҳам шу кўчадаги учинчи уйда яшайдиган Т. Одиловга ёрдам белгилашни таклиф қиламан, — деди комиссия аъзоси Д. Сувенбоева. — Унинг ҳам ўн нафар болалари бор, бунинг устига бир боласи ногирон, оиланинг даромади оз.

Хуллас, комиссия аъзолари йиғилишда кўп болали, ва кам даромадли оилаларга, боқувчиси йўқ ёлғиз нафақахўрларга биринчи навбатда ёрдам беришга қарор қилдилар. Мана, тўққиз ой бўлдики, маҳалла ана шу қоидага қаттиқ амал қилиб келяпти.

Умуман, шу йилнинг биринчи чорагида давлат муҳтож оилаларга 4 миллион 188 минг сўм маблағ ажратган эди. Шуни 5679 та оилага тақсимлаб бердик. Йилнинг иккинчи ва учинчи чораклари эса ёрдам сўраб, ариза берганлар янада кўпайди. Маҳалла оқсоқоллари кенгаши улар орасидан кўпроқ муҳтож бўлганларини аниқлаб, рўйхатга киритдилар.

А. ҲАСАНБОЕВ — Янгийўл шаҳридаги Рамадон маҳалласи қўмитаси раиси: — Кўпроқ муҳтож бўлган оилаларга моддий ёрдам белгилаш ва уни амалга ошириш иши маҳалла қўмиталарига топширилгани — бу уларга катта ишонч билдирилгани, албатта. Аммо ҳар қандай ишочнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бўлади. Давлат моддий ёрдам кўрсатишда маҳалла қўмиталаридан ижтимоий адолат тамойилларига сўзсиз риоя қилишни, ёрдамни ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга беришни, уни оила аъзоларининг, айниқса, болаларнинг моддий бардамлиги учун, оиланинг ҳар томонлама жисмонан ва маънавий ривожланиши, таълим ва малака даражасини оширишлари учун зарур шароит яратиб беришга сарфлашни талаб қилмоқда. Булардан ташқари моддий ёрдам белгилаш пайтида оилада ногиронларнинг борлиги, вояга етмаган болаларнинг, кексаларнинг сони ва бошқа жиҳатларни ҳам эътиборга олиш вазифа қилиб қўйилган. Яна энг муҳим жиҳатларидан бири ёрдам олаётган кишилар ижтимоий ҳимоя вақтинча эканлигини тушуниб, ўзларининг моддий аҳволини яхшилаб олиш учун ҳаракат қилишлари зарур. Ўтган давр ичида биз ўз ишимизни ана шу талабларга мослаб ташкил қилдик.

Маҳалла оқсоқоллари кенгаши тузган комиссия ёрдам сўраб ёзилган аризани синчиклаб текшираркан, бунинг асосий шарти қилиб оила аъзоларининг моддий ички имкониятларига мезон сифатида қарамоқдалар. Бошқача айтганда, агар, оиланинг шу кундаги даромади, шахсий хўжалигидан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятлари бўлмасагина, уларга кам даромадли оила сифатида моддий ёрдам берилаяпти. Масалан, ҳаммаҳалламиз Светлана Абдурахмонованинг уй шароити оғир, унинг уч фарзанди бор, ўзи ёлғиз она. Болалари ёш бўлганлиги сабабли бирор ерда ишлаш иложини тополмаётганди. Катта оила учун уруш фахрийси бўлган бувининг нафақа пулига амал-тақал яшаб келаётганди. Комиссия бу оилага моддий ёрдам кўрсатишни маъқул топиб, жуда тўғри қилди. Бундай муҳтож кишилар рўйхати тасдиқлангач, уларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг бир яримдан — уч баравари миқдоригача ёрдам кўрсатишга қарор қилиб, тўлов ҳужжатларини жамғарма банкига топширдик. Давлат эса йилнинг ҳар чораги учун маҳалламиз нинг банкдаги ҳисоб рақамига 70 минг сўм пул ўтказяпти. Кам таъминланганлар ҳар ойнинг дастлабки кунларида ўзлари учун белгиланган маблағларни ана шу банкка бориб олмоқдалар.

Б. УМАРОВ — Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини раиси: — Ёрдамга муҳтож оила уни қандай оляпти? Буни яхшиси, қишлоқ кенгашидаги мавжуд 7 та маҳалла қўмиталари фаолияти мисолида айта қолай. Ҳар бир маҳаллада беш кишидан иборат комиссия тузилган. Унга қўмита оқсоқоли раҳбарлик қиляпти. Комиссия ёрдам белгилашни сўраб ариза ёзган кишиларнинг уйига бориб, оиланинг даромадини аниқлайди ва кам таъминланганлиги сабабларини ўрганади. Кейин ёрдам кўрсатиш ва унинг ҳажми ҳақида тавсия тайёрлайди.

Маҳалла аҳлининг йиғилиши ариза ва текшириш натижаларини кўриб чиқиб, якунловчи қарор чиқаради. Қўмита котиби моддий ёрдам белгиланган оилаларни тўлов ведомостига киритгач, улар шу ҳудуддаги жамғарма банкидан ўзига тегишли бўлган пулни оладилар.

Қоида бўйича моддий ёрдам уч ойга белгиланаётир. Агар оиланинг иқтисодий аҳволи яхшиланмаса, йиғин қарори билан унга кўрсатиладиган ёрдамни кейинги уч ойга ҳам узайтирмоқдалар.

Ёрдам сўраб ариза ёзаётган кишилар сони эса тобора кўпайиб боряпти. Масалан, ўтган йилнинг охирги чорагида барча маҳаллалар бўйича 502 оиланинг ҳар бирига 250-300 сўмдан, жами 113,2 минг ёрдам пули берилган бўлса, бу йилнинг бошида 690 оилани рўйхатга киритдилар. Йилнинг иккинчи ва учинчи чорагида эса бу рақам янада кўпайди. Қишлоқ кенгаши ходимлари жойларда бўлиб аризаларнинг вақтида кўриб чиқилишини назорат қилиб бормоқдалар. Агар комиссия бирор оиланинг илтимосини рад этган бўлса бунинг сабабларини албатта, синчиклаб ўрганяпмиз.

Т. ХОЛБОЕВ — вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи: — «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармоннинг афзаллик жиҳати шундаки, у жамиятга бокимандалик муносабатларини рағбатлантирмайди. Бу вазифа тўлалигича зиммасига юклатилган маҳалла аҳли йиғини бирор оилага жамоат маблағи ҳисобидан яшашга сира йўл қўймайди. Бошқача айтганда агар оилада меҳнатга қобилиятли киши бўлса, маҳалла бундай оилага ёрдам бериш тўғрисида қарор чиқармайди. Аксинча, жамоатчилик фикри билан ишламаётган кишига таъсир ўтказиб, уни бирор ишнинг бошини тутишга мажбур қилади.

Моддий ёрдам олиши мумкин бўлганлар рўйхатига эса вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, ногиронларнинг оилалари, кам нафақа олаётган нафақахўрларнинг оилалари, ишсизларнинг, боқувчисини йўқотганларнинг оилалари, ёлғиз яшаётган нафақахўрлар ва маълум сабабларга кўра кам даромад олаётган муҳтож оилалар киритилаяпти. Масалан, балоғатга етмаган тўрт фарзанди бўлиб, унда фақат биргина оила бошлиғи кам ҳақ тўланадиган ишда, айтайлик, қоровул, фаррош ёки шунга ўхшаш ишда ишлайди. Ёки оиланинг бошлиғи ногирон бўлса, уларга албатта моддий ёрдам белгиланади.

Ҳозир кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишда шу оиланинг аҳволи тўғрисидаги жамоатчилик фикрининг холислигига, оиланинг ўз моддий аҳволини ўзи баҳолашига ва уни яхшилаш йўлларига алоҳида эътибор бериляпти.

Фармон бўйича маҳалла қўмиталари ҳар уч ой муддатда ёрдам беришни мўлжаллаб, иш олиб бораётирлар. Шу вақт ичида оиланинг моддий аҳволи яхшиланмаса, ёрдам вақти яна уч ойга чўзилаяпти. Агар ёрдамга даъвогар оилада меҳнатга қобилиятли, аммо ишламаётган киши бўлса, оиланинг даромад олиши мумкин бўлган томорқаси бўлса, шунингдек, моддий аҳволни яхшилашга имконият бўла туриб, боқимандалик йўлига ўтиб олган бўлса, бу ҳолатда уларга ёрдам бериш тўхтатилмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида 448 та маҳалла қўмиталари шу тарзда иш олиб бориб, йилнинг биринчи чорагида салкам 50 мингта аризани кўриб чиқдилар. Маълум сабаблар билан бу аризаларнинг 2,8 мингтаси рад этилди. 47 минг оила маҳалла фуқаролари йиғини қарори билан ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 1,5-3 баробари миқдорида ёрдам пули олди.

Энди меҳнат бошқармаси ва биржаларининг бу ишларга иштироки ҳақида: республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги қарори билан меҳнат муассасалари зиммасига ҳам кам таъминланган аҳолига моддий ёрдам белгилаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, аризаларни кўриб чиқиш ва текшириш ишларида маҳалла қўмиталарига амалий ёрдам бериш, бу соҳада ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, фармон ижроси устидан назорат қилиш вазифаси топширилган. Шу сабабли биз барча ходимларимизни вилоятдаги маҳаллаларга биркитиб қўйдик. Улар айни пайтда вақти-вақти билан у ерда бўлиб, комиссия аъзолари билан ташкилий ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар, аҳолига кимлар моддий ёрдам олиши мумкин эканлигини тушунтирмоқдалар, текширишлар пайтида аниқланган камчиликларни тугатишда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Фармон ва ижро

Кам таъминланган оилаларга муайян ёрдам кўрсатишнинг бу янги тури давлатимиз ўтказаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ёрқин далили бўлаяпти. Мулкчиликнинг қайси шакли ва соҳаларида эканлигидан қатъий назар барча меҳнаткашларни тенг ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш, айниқса, аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам бериш ислоҳотлар даврининг асосий тамойилларидан биридир. «Савобли ишни ҳар куни қилиш керак, савобли ишни ҳар ким қилиши керак», деб таъкидлаган эди юртбошимиз И. Каримов. Бозор муносабатлари даврида, ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган айни кунларда муҳтож, камҳарж, меҳр-мурувват кутаётган оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Р. ҚОДИРОВ.

ШАРОИТ БЎЛСА, УНУМДОРЛИК ОРТАДИ

ИНСОН ишидан кўнгли тўқ бўлса, кайфияти юқори, дили ҳамиша хотиржам бўлар экан. Янгибозордаги 121-ҳиссадорлик автокорхонасида ким билан суҳбатлашмайлик, бу даргоҳдаги тартиб-интизомдан, ҳақ тўлаш услубидан хурсанд бўлиб гапирарди.

— Бир неча йилдан бери шофёрлик қиламан, — деди ҳайдовчи Асом Усмонов, — кейинги йиллар ичида шарт-шароит янада яхшиланди, қулайликлар ортди. Бундай имкониятлар туфайли маошим 4,5—5 минг сўм атрофида бўлмоқда. Менга ўхшаб ойлик олаётганлар анчагина.

Асом икки тиркамали «ҚАМАЗ» билан юк ташир экан. Албатта, у айтган юқоридаги маошни олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун корхонада ишлаб чиқилган йўриқномаларга аниқ риоя этиш лозим. Яъни бир ой мобайнида юк ташиш манзиллари бўйича 19 та йўл варақаси топширилиши, улар компьютерда қайд этилган бўлиши керак. Топшириқ тўлиқ бажарилса, компьютер ишни сифатли деб топса, ойлик маошга 50 фоиз ҳисобида мукофот қўшилади. Айни пайтда ҳайдовчи халокат содир этмаса, йўл ҳаракатини бузмаса ва яна бошқа бир қатор талаблар, шартларга риоя этса рағбатлантириш кўрсаткичлари кўпайиб боради.

Бу усул корхонада унумдорликни оширди. Ҳар бир ихтисослик бўйича ишчилар, ходимлар, автокорхонада ишлаб чиқилган йўриқнома асосида ойликларига қўшимча тарзда мукофотлар олмоқдалар.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги талаблардан ҳатто биттаси бажарилмаса ҳам ҳайдовчининг ойлик маоши 800—900 сўмда қолиб кетаверади.

Албатта, ҳар кимнинг яхши яшагиси, топгиси келади. Шунинг учун бўлса керак, ҳайдовчиларнинг ўртача ойлиги 1400—1700 сўм атрофида бўлмоқда. Илғорлар эса қандай

Ислоҳотлар — амалда

машиналар ҳайдашига: ёлғизми ёки тиркамалими, шунга қараб, уч-беш минг сўмдан маош олаётирлар.

Автосарой қиёфаси кейинги йилларда кескин ўзгарди, майдон тўла асфальтланди. Бостирма таъмирланиб, деворлари мармар бўлакчалар билан сувалди. Серфайз клуб, қуёш ҳарорати ёрдамида иситилган ҳаммом, сауна, ёруғ, саранжом ва сариштa техник ҳолатни назорат қилиш бўлмаси, ошхона, чойхона ишчилар, хизматчилар ихтиёрида.

Корхона ҳайдовчилари 6 ой ичида 615,9 минг тонна турли юкларни манзилларга етказиб беришди. Режа ортиғи билан бажарилди. Шу муддат ичида 3 миллион сўмликка яқин соф фойда олинди. Бунда, албатта, корхонада ишлаётган 250 нафар ишчи, хизматчи ходимлардан ҳар бирининг муносиб улуши бор.

Шинам, ораста, ҳашаматлардан ҳоли хонада директор Александр Енхванович Дё билан эришилган натижалар ҳақида анчагина суҳбатлашдик.

Биз мағрурланиб кетмаслигимиз керак, — дейди у, — ҳали олдимизда вазифалар кўп. Вилоятимиз, хусусан, корхонамиз жойлашган Юқоричирчиқ туманида масъулиятли дамлар бошланди. Юртбошимизнинг ғалла мустақиллиги учун кураш тўғрисидаги талабларини ҳар биримиз қалбимизга жо этганмиз. Аҳмад Яссавий, Жамбул номли жамоа хўжаликларида корхонамиздан ажратилган 15 та машина дон ташияпти. Ортиқ Алимбоев, Қўчқор Ғанибоев, Хайри Саидасанов, Ислом Қулматов, Абдураззоқ Ёқубов сингари ишчан ҳайдовчиларнинг ҳар куни топшириқни 1,5-2 баравар бажараётганликларидан хўжалик бошқарувлари хурсандлар.

Уларнинг топшириққа бўлган муносабатини директор муовини Асқар Бойбўсинов, бош муҳандис Акбарали Мирбобоевлар мунтазам назорат қилиб бормоқдалар.

Мазкур корхонада меҳнатни ташкил этиш услубида фақат таъмирловчилар, 150 нафар ҳайдовчиларгина эмас, қўшимча иш жойлари очган дурадгорлар, қурилиш материаллари ихтисослиги бўйича ишчилар, мебелчилар ва бошқа касб эгалари ҳам мамнунлар. Зероки, изланиш, ташаббускорлик, янгиликка интилиш йўлидаги ислоҳотлар ижобий самаралар бермоқда.

С. ҲАСАНОВ.

Ана ҳангома, мана ҳангома

КИМГА ФОЙДА?

«Тошкент-Китоб» йўналишидаги поезднинг кузатувчи (проводник)лари ғалати «тажриба» қўлламоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» корпорацияси ёқилғимойлаш маҳсулотлари нархи ошгани сабабли поезд чипталари баҳосини бироз кўтарган эди. Баъзи кузатувчилар бундан фойдаланиб, «Беминнат хизмат» кўрсатиш — чипта баҳосидан арзонроқ нархда пассажир ташишни йўлга қўйди. Масалан, Тошкентдан Қаршигача купе вагонининг чиптаси 400 сўмга яқин. Лекин кузатувчига 250 сўм берсангиз сизни олиб кетаверади.

Ишонмасангиз, мазкур поезднинг исталган вагонига чиқиб кўринг. Бу ерда чиптасиз йўловчилар бамайлихотир кетаётганининг гувоҳи бўласиз. Фақат буни корпорация раҳбарлари билармикин?

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

Бекобод металлургия саноати саройида ўнлаб тўғараклар ишлаб турибди. Ишдан сўнг кўплаб ёшлар ана шу тўғараклар қатнашиб ҳунар ўрганмоқдалар. Бичиш-тикиш тўгараги айниқса қизлар билан доим гавжум. Тўгаракка қатнашаётган 60 дан зиёд бўлғувчи чеварлар бу ерда сабок олмоқдалар.

Суратда: (ўртада) тўгарак раҳбари Зохида Пармонова шогирдлари орасида.

Э. ИБРАГИМОВ олган сурат.

Янгича ишлаш керак

«ЭСДАЛИК» ОДИМЛАРИ

Олмалиқ шаҳрида мулкка эгаликнинг турли шаклари тобора кўпаймоқда. Иқтисодий ислоҳотлар туфайли янгиянги кичик корхоналар, ширкатлар, цехлар пайдо бўлмоқда. Уларнинг кўпчилиги оёқда мустаҳкам турмоқда, фаолиятлари кўламини кенгайтиришга эришмоқда. Бу-давр талаблари асосида ишлаш кўникмаларига эга бўлган тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлиги натижасидир.

«Эсдалик» масъулияти чекланган жамиятнинг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Бевосита Олмалиқ кон-металлургия комбинати қошида фаолият кўрсатаётган бу жамият жамоасининг асосий иши маъданларни топиш, уларни қайта ишлаш, саноатимиз учун махсус ва зарур маҳсулотларни тайёрлашда қатнашишдир. Тоғлардаги мавжуд маъданларни қазиб олиш учун транспортер линияларини ётқизиш, кичик станциялар бунёд этиш, худудсиз кенгликларда юқори кучланишли электр симларини тортиш каби нозик ва масъулиятли ишларни бажариш «Эсдалик» жамияти фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади.

— «Эсдалик»да доимий равишда ишловчи ишчиларнинг сони унчалик кўп эмас, — дейди жамият раҳбари Каримжон Ҳайдаров. — У ёки бу иншоотни қуриш учун буюртма олинганидан кейин уни бажаришнинг муддатлари бўйича буюртмачи ва ижрочи бўлган жамиятимиз ўртасида шартнома тузилади. Унда қилинадиган ишлар барча икир-чикирларигача келишиб олинади. Шундан сўнг ишга киришилади. Жамият раҳбарлиги, аввало, иншоот қурилиши учун зарур бинокорлик материалларини қидириш ва иш майдонида тахт қилиб қўйишга киришади. Ҳамма материаллар тайёрлаб бўлинмагунча бунёдкорлик ишлари бошланмайди. Уларнинг бирортаси етишмаса ҳам тўхтаб турилади. Барча зарур материаллар тўла тахт қилингач тажрибали, юқори иш малакасига эга бўлган монтажчилар, чиланғарлар, электрчилар меҳнат шартномаси асосида ишга ёлланадилар. Бу усул амалда ўзини оқлаяпти. 10-20 кунга мўлжалланган иш бир ҳафта ичида битказилади. У қанча тез битса, ишчилар шунча кўп ҳақ оладилар. Ишчилар белгиланган вазифани бажарганларидан кейин икки ўртада тузилган шартномадаги иш ҳақларини оладилару яна ўз иш жойларига қайтадилар. Бу билан «Эсдалик» буюртмани тез ва соз бажаради, ишчилар эса қисқа вақт ичида яхшигина даромадга эга бўладилар.

— Сиз тадбиркорликни қандай тушунасиз? — сўраймиз «Эсдалик»нинг раҳбаридан.

— Бир сўз билан айтганда, тадбиркор одам аввало ишбилармон бўлиши керак. Тайёр маҳсулотни бир ердан олиб, иккинчи жойда сотиш ҳақиқий тадбиркорнинг иши эмас. Буни ниқоб дейиш мумкин. Мен шундай деб ҳисоблайман. Тадбиркор йўқдан бор қиладиган, ўз пешона тери билан ўзининг ҳам, халқининг ҳам фаровонлигига хизмат қилувчи одам бўлиши керак, — дейди Каримжон ака.

— Нима учун жамоангизнинг номи «Эсдалик»? — сўраймиз ундан.

— Жамоамиз дастлабки пайтда «Контакт» ширкати деб аталар эди. Сантехника, таъмирлаш ишларини бажарардик. Шлакоблоклар, плиталар, ёдгорликлар ишлаб чиқарардик. Кейин эса юқори кучланишли электр тармоқларини барпо эта бошладик. Биз қир-адирларга қурган симёғоч ускуналари ва тортган электр симлари неча ўн йиллаб туради. Бу келажак авлодга бўлсада қоладиган бир эсдалик эмасми? Шу сабаб ҳам жамиятимизнинг номини «Эсдалик» деб ўзгартирдик.

— Каримжон ака, маънавиятсиз инсон ҳаёти қашшоқ бўлиб қолади дейди доноларимиз. Билишимизча сиз «Олмалиқ ҳақиқати» шаҳар газетасига ягона барқарор хомий сифатида тўрт йилдан бери ёрдам бериб келар экансиз.

— «Олмалиқ ҳақиқати» газетаси шаҳримизда она тилимизда чиқадиган ягона нашр. Нега энди ҳозирги оғир иқтисодий шароитда биз бу газетани қўллабқувватламас эканмиз? Пулимиз бўла туриб ўзимиз, қолаверса ўғил-қизларимиз, набираларимиз ўқийдиган газетага ёрдам бермас эканмиз? Агар уни қўллабқувватламасак, моддий кўмаклашмасак-бу миллий ғурурнинг йўқлиги, миллатга бефарқ қараш бўлмайдими!?

Дарҳақиқат, «Эсдалик» жамияти янги йил бошидаёқ «Олмалиқ ҳақиқати» шаҳар газетасини қоғоз билан таъминлашни ўз зиммасига олди ва уни бажарди. У нафақат газета хомийси балки «Металлург» футбол жамоасига, 17-мактабнинг таъмирлаш ишларига, фахрийлар кенгашига, кўзи ожизлар, кар-соқовлар мактаб интернатларига беғараз ёрдамини бериб келмоқда. Қолаверса, вилоят спортининг ривожланиши учун ҳам маблағ ўтказган.

Жамият бугунги кунда «Калмоққир» конларида бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Каримжон ака билан бўлган қисқа, лекин мазмунли суҳбатимиз давомида унинг қатъиятли инсон эканлигини англадим. Зотан буюк қалб эгасининг бутун сир-асрори қатъият, деган сўздир.

Каримжон Ҳайдаровнинг қалбида эзгулик бор. Бу эзгулик она элига, ҳамюртларига бўлган эътиқодда, қатъиятлигида ва меҳнатсеварлигида намоён бўлмоқда. Одамни ҳеч нарса меҳнатчалик юксакка кўтармайди. Зеро, одам ўз қадр-қимматини меҳнатсиз ошира олмайди.

О.ДАДАЕВА,
журналист.

АВТОКОРХОНА КОРХОНАЛАРИ

Паркент автотаксомотор саройи давлатнинг бокиманда корхоналаридан эмас.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаб, аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиб келаётган жамоалардан бири. Жорий йилнинг биринчи чораги кўрсаткичлари ҳам ана шундан далолат беради. Автокорхона дастлабки уч ой режасини 105,5 фоизга адо этиб, молия режасини 17.188 минг сўмга бажарди. Фойда 6814 минг сўмни ташкил этди.

Яна бир рақамга эътибор берайлик. Автокорхона 28 та автобус қатнови йўналишлари бўйича йилнинг биринчи чорагида 104 минг сўм атрофида, соатбой хизмат кўрсатиш эвазига 405 минг сўм, жами 630 минг сўм маблағ ишлаб топди. «Тошвилоятйўловчитранс» концерни бўйича меҳнат мусобақасида мавжуд 23 та автобирлашма ўртасида ғолиб чиқиб, юқори ўринлардан бирини эгаллади. Концерн 60 минг сўмлик пул мукофотига сазовор бўлди.

— Саройимизда 125 та автобус, 6 та енгил «такси» автомобили мавжуд, — дейди корхона раҳбари Анвар Эшматов. — Улардан фойдаланиш ҳисобига барча муаммоларни ҳал этиш уёқда турсин, ўз эҳтиёжимизни ҳам қондира олмаймиз. Ишчиларимизни муносиб ижтимоий ҳимоя қилиш масъулияти бизни жиддий ўйлаб кўришга мажбур этди. Ва ниҳоят бамаслаҳат молиявий қийинчиликларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлини қидириб топдик. Корхонамиз қошида кичик корхоналар очишга қарор қилдик.

Жумладан, автохўжаликда «Карима» тикув цехи ишга туширилди. Бу ерда 20 киши меҳнат қилмоқда. Тикув цехининг фаолияти Паркент автохўжалиги билан Ангрен таксомотор саройи ўртасидаги шартномавий ҳамкорлик асосига қурилган бўлиб, кичик корхона ўз тайёр маҳсулотларининг кўп қисмини ангренлик автомобилчиларга етказиб беради. У ердан эса тайёр маҳсулотларга Россиядан мавоза йўли билан алмаштириб келинган эҳтиёт қисмлари олинади.

Ҳозирча шартнома шартларининг бажарилишида нуқсонлар йўқ. Икки томон ўз зиммасига олган мажбуриятларни оғишмай бажариб келмоқда. Тикув цехи жорий йилнинг дастлабки ойларида ангренликларга 25 мингта тўшак, мингдан ортиқ кўрпа, 2,5 мингдан зиёд аёллар халати етказиб берди. Ҳозир Ангрен таксомотор саройи «Карима»дан 600 минг сўм қарз. Албатта, бу вақтинча. Ҳадемай, паркентлик автомобилчиларга зарур эҳтиёт қисмлар етказиб берилади.

— Ойлик маошимиз ёмон эмас,

Тадбиркорлик — иқтисодиётимиз келажаги

— дейди цех бошлиғи Марғуба Абдуллаева. — Ишимизга шартнома-да келишилганига қараб 1500 сўмгача ҳақ олаяпмиз.

Автохўжаликда механика, токарлик ва таъмирлаш участкалари иши ҳам кичик корхоналар мақомида ташкил этилган. Масалан, механика цехида ички имкониятлар ҳисобига спидометр, шестерна блоклари тайёрланмоқда. Токарлик цехида манжетлар, спидометр симлари ва жуда кўп бошқа унча мураккаб бўлмаган зарур эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилмоқда. Таъмирлаш участкасида ҳозирги кунда 53 киши меҳнат қилади. Ана шуларнинг изланиши, шижоати туфайли барча автобуслар ўз йўналишлари бўйича мунтазам қатнаб турибди.

— Ҳозиргача «МАЗ — 695», «ПАЗ» сингари эски моделдаги транспорт воситаларидан фойдаланиб келаяпмиз,— дейди корхона раҳбари.— Ҳаммаси путурдан кетиб қолган машиналар. Кўп созлаб туришни талаб қилади. Шунинг учун уларни аста-секин янгилаб боришга қарор қилдик. Шу мақсадда бултур янги «ПАЗ» автобусини синов тариқасида сотиб олдик. Уни Ленинободдаги Тожикистон кон металлургия комбинати қошидаги завод ишлаб чиқармоқда. Автобус синовдан муваффақиятли ўтди. Бизнинг тоғлик иқлим шароитимизга жуда мос. Биз ўз фикримизни туман ҳокимлигига етказдик. Таклифимиз маъқул тушди. Мавоза йўли билан 4-5 та янги «ПАЗ»лар сотиб олиш учун бизга 500 тонна пахта толаси ажратиб берилди.

Маълумки, ҳозир ижтимоий муҳофаза, одамлар ҳақидаги ғамхўрлик энг долзарб масала. Корхона раҳбарлари биринчи галда ана шу ҳақда бош қотиришяпти. Корхонага қарашли «Автомобилчи» даволаш мажмуи бундан ўн йил илгари фойдаланишга топширилган эди. Кейинги йилларда унга эътибор берилмай қўйди. У хароба ҳолга тушиб қолди. Иқтисодий қийинчиликлар бу ерга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Эндиликда одамлар саломатлигини тиклаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам ҳал этиш вақти етди. Маъмурият даволаш мажмуини тўла таъмирлаш ишларига 310 минг сўм маблағ сарфлади. Балчиқ, шифобахш сув ва бошқа тиббий муолажаларни йўлга қўйиш учун яна 210 минг сўм пул ажратиш мўлжалланмоқда.

«Автомобилчи» даволаш мажмуининг эшиклари бугун дам олувчилар учун яна очиқ. Бу сўлим ва хушҳаво масканда ҳозир 80 дан ортиқ киши ҳордиқ чиқараяпти.

Ҳ. НАСРУЛЛАЕВ.

Туркистон — умумий уйимиз

ДИЛЛАР ЙЎЛЛАРНИ, ЙЎЛЛАР ДИЛЛАРНИ БОҒЛАДИ

БУЮК фазилатлар орасида дўстлик, биродарлик туйғуларининг ўрни ўзгача. Ўзбекистон билан Қозоғистон республикалари халқларининг бир-бирига бўлган ҳамкорлиги, меҳр-оқибати қадим-қадимларга бориб тақалади. Зеро, тили, дили, урф-одатлари бир халқнинг истиқомат жойи, умуммакони Туркистон бўлган. Икки мамлакат кишиларининг турмуш тарзида ўхшашликлар кўп. Қолаверса, қозоқ қизини келин қилган ўзбек хонадонларида дўмбира чертган ўланчилар, қозоқ қўшиқларини ерли санъаткордан ҳам ўтказиб куйлаётган ўзбек қўшиқчилари ҳаётимизга шундай сингиб кетганки, бундай анъаналарни ҳар бир миллат худди ўзиникидай қабул қилади.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш, маданият борасидаги алоқалар кучайди. Иккала республика талабаларининг жой алмашиб Қозоғистон ва Ўзбекистон ўқув юртларида билим олаётганлиқлари, ё бўлмаса, саноат корхоналараро ҳамкорликлар бунинг ёрқин далилидир. Сўнгги пайтларда Чирчиқ, Чимкент шаҳарлари ўртасида самимий борди-келдилар йўлга қўйилганлиги, икки гўзал маскан бир-бири билан биродарлашганининг ўзиёқ қадимги анъаналар давом этаётганлигини яққол кўрсатади.

Биз Тошкент вилояти туманлари билан ҳам алоқа боғладик. Бу асосда бир-биримизга турли соҳаларда кўмаклашаётирмиз. Битмаган ишларимизни битиряпмиз. Хусусан, ана шундай дўстлик туйғуси яқинда йўлсозларимизни Қибрай туманига бошлаб келди. Бу ердаги ҳамкасблар билан йўлларни таъмирлашга киришдик. Туманнинг Май қишлоғида икки республика йўлсозлари анчагина ишларни бажардилар. Бир-бирларидан тажриба ўргандилар. Худди шундай бирдамлик Қозоғистонда ҳам давом этади.

В. ПЧОЛКО,
«Ўнгтустиқ Қазақстан жўлдери» ҳиссадорлик бирлашмасининг 92-йўлсозлик бошқармаси бригадири.

ЎЗИМИЗГА ҚОЛГАНИ — 1920 ТОННА

ҚИБРАЙЛИКЛАР бу йил 1400 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштириб, давлатга дон сотиш режасини ошириб бажардилар. Суғориладиган майдонлардан жами 4525 тонна ҳосил олиниб, шундан 2605 тоннаси давлатга топширилди. Режадан ортиқча ғалла 1920 тоннани ташкил этди.

Бу ютуққа туманда биринчилардан бўлиб маррага етиб келган «Бураота», «Маданият», «Турон» ва Т. Нормуҳаммедов номли жамоа хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар. Илғор комбайнчилардан дўрмонлик Акром Каримов, Қаюм Бейсеновлар кунда 6-7 гектардан кўпроқ майдондаги ғаллани ўриб-янчиб, меҳнат мусобақасида пешқадамлик қилдилар.

Ҳосилдорлик гектар бошига 30-40 центнерга етди. Туман хўжаликларида ғалла ўрими давом этмоқда.

Ш. ОБИДОВА.

БОЗОР — ШАҲАР КЎРКИ

БОҒ ва далалардаги пишиқчилик бозорларга ҳам барака киритди. Оҳангарон, Пискент, Бўка ва Ўртачирчик туманлари деҳқонлари ёқтириб қолган Ангрен шаҳар бозори янада гавжумлашди. Маҳсулотларнинг арзонлиги билан бошқа ҳудудлардан фарқ қилгани сабабли бу ерда узоқ-яқин жойлардан, ҳатто, қўшни Тожикистондан келган харидорларни ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Шаҳар мева ва сабзавот тайёрлов уюшмаси ёз мавсумига пухта тайёргарлик кўриб, бозорни кенгайтирди, расталарни саранжом-саришта қилдириб, қўшимча пештахталар қўйдирди. Бундан ташқари аҳоли зич жойлашган мавзеда ҳам янги бозорча очилди. «Ангренсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли учта эски дўконлар хусусийлаштирилиб, уларнинг ўрнида янги, кўркам сабзавот дўконлари иш бошлади. Мева-сабзавот тайёрлов уюшмаси тумандаги жамоа хўжаликлари ва фермерлар билан мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида тузган шартнома асосида янги, сифатли маҳсулотлар бозор ва дўконларга кўплаб олиб келиняпти.

— Сотувчиларга яхши хизмат кўрсатилаётгани ва уларга зарур шароитлар яратиб берилгани савдо-сотиқни авж олдиришга ёрдам беряпти, — дейди бозор назоратчиси Худойберди Умаров. — Радиоузел орқали бозордаги янгиликлар, ички тартиб-қоидалар ҳақида ҳам мунтазам ахборот бериб боришни канда қилмаяпмиз.

Т.ШЕРАЛИЕВ

Маррага етган хўжаликларда

ТАДБИР ПУХТА БЎЛГАН ЭДИ

Туманда ғалла ўрим-йиғимини биринчи бўлиб тугаллаётган Навоий номли жамоа хўжалигида ғалладан бўшаган майдонларга картошка, сабзавот ва бошқа оралиқ экинлар экиш жадал боряпти

АБДУРАҲИМ Мирусмонов бригадасига борганимизда ўрим тугаб, комбайнчилар дам олишга чиқишган экан. Одатда бундай кезларда кишиларнинг кайфияти чоғ бўлади. Бир пиёла чой устида бироз чақчақлашдик. Ҳазил-мутойиба орасида биз кутган қувончли рақамлар тилга олинди...

Бригада ғаллазори 20 гектар. Режа 36 тоннага ошириб бажарилган. Ҳосилдорлик — 50 центнерга етган!

Комбайнчи Жамол Нурматов билан суҳбатлашдик.

— Ғаллани шеригим Музаффар Бўрончаев билан фақат икки киши ўраяпмиз. Уч сменада ишлаяпмиз. Мавсумда ҳар биримиз 120 гектардаги ғаллани ўриб бериш мажбуриятини олганмиз. Ҳозир 100 гектардан ошиб кетди.

— Ахир бу икки кишига оғир тушмайдими?

— Бепул уч маҳал иссиқ овқатимиз муҳайё, чойимиз тайёр. Техникамиз соз. Бузилиб қолишидан хавотир олмаймиз. Тузатиш қўлимиздан келади. Ёқилғи, эҳтиёт қисмлар етарли.

Ҳа, комбайнчи йигит жуда тўғри айтди. Қўлингдан иш келса, кучинг етса, шароит бўлса, нега энди ёниб ишлаб, ёниб яшамаслик керак.

Чиндан ҳам Чиноз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги маъмурияти ғаллакорлар меҳнатини рағбатлантириш, қишлоқ фуқаролари ҳаётини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирларга кўра комбайнчиларга ўриб берган ҳар гектар ғалласи учун 15 сўм ҳақ тўланмоқда. Мавсум охирида уларга 450 килограммдан буғдой тақсимланади. Жамоа аъзоларига ҳар ойда маошдан ташқари арзон нархларда бир қоп ун, 10 килограмм ёғ, 10 килограмм гуруч, 5 та совун ва ҳоказолар берилмоқда.

Одамлардаги яхши кайфият аввало оиладаги рўзғор бутлигига боғлиқ. Навоийликлар ана шу ташвишдан фориғ бўлганлари учун ҳам кўнгиллари хотиржам, ишларида унум ва барака бор. Ғаллакорлар қўлга киритган зафар ҳам ана шундан далолат.

Қўли қадоқ деҳқоннинг, чорвадорнинг руҳи бундан ҳам тетик бўлиши мумкинми? Ҳа, дейишди жамоа раҳбарлари. Агар далачининг туриш-турмушига, ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлаётган баъзи бир ғовлар олиб ташланса, ҳаётимиз гулдек яшнаб кетган бўлар эди. Жумладан, топширилган пилла ва бошқа маҳсулотларнинг ҳақини ундиришда чалкашликлар кўп.

Навоийлик миришкорлар бу йил 236 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Режани вилоятимизда биринчи бўлиб 7 иш кунида бажариб, давлатга 520 тонна дон сотдилар. Режа 60 тоннага ошириб бажарилди. 100 тонна уруғлик дон жамғариб қўйилди. Туман ғаллакорларининг мусобақасида хўжалик биринчи ўринни эгаллади. Умумий кўрсаткични 740 тоннага етказишни мақсад қилиб қўйган азаматлар режага қўшимча яна 200 тонна дон топширишмоқчи. Шунда ўртача ҳосилдорлик 40 центнерга етади.

Хўжалик деҳқонлари олдида яна бир масъулиятли вазифа турибди. У ҳам бўлса, республика ҳукумати ва вилоят ҳокимининг қарорига кўра ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларни қисқа муддатда кечиктирмай сифатли экиб олишдир. Убайдулла Избосаров бошлиқ 5-бригада деҳқонлари аллақачон картошка экишни бошлаб юборишган. Абдулҳай Яҳёев бошлиқ биринчи, Тастан Раисбоев бошлиқ саккизинчи ва бошқа жамоаларда ҳам бу муҳим тадбир уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хўжалик бўйича жаъми 15 гектарга картошка, 40 гектарга сабзи, туруп, карам, мош, 60 гектарга силос учун макка экиш режалаштирилган.

— Бешинчи бригадамизда,— дейди жамоа хўжалиги раиси Жамолиддин Араббоев,— катта синов ишлари олиб бораяпмиз. Чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда 12 гектар ерга такрорий экин сифатида Франциядан олиб келинган макка уруғини экишга киришдик. Меҳмонлар ўз сеялкаларини ҳам олиб келишган. Назаримда синов натижалари ёмон бўлмаса керак. Чунки, баҳорда 3 гектар ерга экилган Германиядан келтирилган макка уруғи маҳаллий навларга қараганда жуда эрта попук чиқарди. Бу йилда икки марта ҳосил олишни тўла кафолатлайди. Бу қўшимча анча дон ва чорва учун мўл-кўл озуқа заҳирасидир.

— Мен келгусида хўжалигимизни уруғчилик тизимига ўтказиш ниятидаман. — дейди қўлидаги катта бир бошоқни кўз-кўз қилиб раис. — Мана бу буғдойнинг янги «Мустақиллик» нави. Суғориладиган ерларда 80—85 центнер ҳосил беради. Ҳосилдорлик бошоқдаги доннинг сони ва салмоғига қараб ўлчанади. Юзта дон 40 грамм тош босса, 40 центнерга мўлжал олинади. 50 грамм чиқса, 50 центнерга. Албатта, бу ерда парвариш ва ғалла кўчатларининг қалинлиги катта аҳамият касб этади. Қисқаси, мақсад кўпроқ пул топиш, элни яхшироқ тўйдириб, яхшироқ кийинтиришдир. Агар биз уруғчиликка ихтисослашсак, соф даромадимиз 40 фоизга юқори бўлади. Чунки, уруғлик доннинг баҳоси баланд.

Ҳа, жамоа раҳбарининг гапларида жон бор. Ҳисобни билган ҳеч қачон янглишмайди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.



СУРАТЛАРДА: (юқорида) моҳир комбайнчи Ж. Нурматов. Пастда (чапдан иккинчи) бош ҳосилот Т. Ғофуров ғаллакорлар даврасида.

Р. ҒАЛИЕВ олган суратлар.

Ислоҳот ва раҳбар

«ОЛМАЗОР»НИНГ ЯНГИ ОДИМЛАРИ

Хўжалик фермерлар уюшмасига айланди.
Энди раҳбарият уларнинг ички ишларига аралашмайди.
Ишлаб топилган соф даромаднинг 70 фоизига ўзлари эгалик қиладилар.

Ташаббускор, сергайрат, янгиликка интилувчи одамлар давр руҳини ҳам тез илғаб оладилар. Ислоҳотларнинг афзалликларини теран англайдилар. Абдунаби Ҳоликов бир неча йиллардан буён турли бўғинларда катта кичик раҳбарлик лавозимларида ишлаб ўзида ана шундай фазилатларни мужассамлаштирган эди. Шунинг учун ҳам мутасаддилар ҳеч иккиланмай уни «Олмазор» давлат хўжалигига раҳбар қилиб тайинлашди. Хўжаликнинг довруғи анча довон ошган эди. Бу довруғга яраша иш қилиш эса кўп жиҳатдан бевосита биринчи раҳбарга боғлиқ. Абдунаби буни ҳис қилган ҳолда ўз фаолиятини бошлади. Кўп ўтмай давлат хўжалиги жамоа хўжалигига айлантирилди. Қисқа вақт ичида одамлар Абдунабининг ташкилотчилиги, жамоа билан ишлаш қобилиятига эга эканлигини билиб олган эдилар. Шунинг учун ҳам унга катта ишонч билдириб, раисликка сайладилар.

Янги раис дастлабки кунларданоқ ўзига хос йўлдан борди. Бошқарув аъзолари билан маслаҳатлашиб, токзорлар ва боғларни фермерлар ва оилавий пудратчиларга бўлиб берди. Дастлабки йили синов тариқасида 3 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Улар салкам 40 гектар майдондаги боғларда иш бошлаб юбордилар. Моддий манфаатдорликнинг ошганлиги, мулкка эгалик ҳисси ўз самарасини кўрсатди. Ўша йилиёқ мўлжалдагидан анча кўп мева ҳосили олинди.

Бу йил фермерлар сони яна иккитага кўпайди. Боғбонлар эрта куздан бошлаб дарахтларга шакл бериш, ишкомларни тартибга келтириш ишларини қизитиб юбордилар. Эрта баҳорда хато ерларга мева, ток кўчатлари экилиб тўлдирилди. Боғ ва токзорларнинг ҳар гектарига 150 килограммдан аммиакли селитра 100 килограммдан карбамид минерал ўғитлари берилди.

Боғбонлар қиш мавсумида яхоб суви беришга катта эътибор бердилар. Бунда А. Содиқов, Ш. Хўжакулов, механизаторлардан А. Эрматов, Х. Тўйчиев ҳамда Х. Эштоевларнинг хизматлари, айниқса, катта бўлди. Айни кунларда ҳам улар самарали меҳнат қилмоқдалар. Фермерлардан О. Бектургонов, оилавий пудратчилардан Алиёр Содиқовларнинг ишларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Улар ўзларига биркитилган мевазор ва узумзорларда парвариш ишларини ҳар жиҳатдан намунали олиб бормоқдалар.

Жамоа хўжалиги ўзининг чоғроққина узумни қайта ишлаш цехига ҳам эга. Бу цехда бирламчи вино маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мавсум давомида 3 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирги кунга қадар бу цех жорий таъмирдан чиқарилиб, янги ҳосилни қабул қилиб олишга шай қилинди.

Бу ерда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари Янгийўл шаҳридаги заводга юборилади. У ерда тайёрланган маҳсулотларнинг 30 фоизи хўжалик ихтиёрига берилади.

Келгусини кўзлаб қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Гап шундаки, экилганига салкам қирқ йил бўлиб қолган мевали дарахтларнинг ҳосилдорлиги бугунги кунда кўнгилдагидек бўлмай қолди. Ҳисоблаб чиқилса ана шундай олмазор майдонлар 94 гектарни ташкил этар экан. 89 гектар майдондаги шафтолизорларни ҳам янгилаш талаб этилади. Соҳибкорлар бу йил кўздан бошлаб ана шу ерларга янги мевали дарахт кўчатларини табақалаштирилган ҳолда ўтказишни режалаштириб қўйдилар.

Ҳар йили 30 фоиз ҳажмдаги боғлар кундаков қилиниб, олиб ташланади, янги, сархил мева, узим кўчатлари экилади. Шу тариқа жамоа хўжалиги ихтиёридаги барча боғ-роғлар ёшартирилади.

Шу мақсадда Қуйичирчиқ туманидаги М. Отажонов номли хўжалик билан ҳамкорликда иш олиб бориш тадбирлари белгилаб қўйилди.

Хўжаликда боғбонлар ва соҳибкорларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг моддий фаровонлиги, турмуш тарзларини яхшилаш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хўжаликда хонадонларни табиий газ билан таъминлаш бошланган эди-ю, тўла ниҳоясига етказилмаган эди. Янги раиснинг ташаббуси билан ўтган бир йил давомида хўжаликда яшовчи аҳолининг 90 фоизи «зангори олов»дан фойдалана бошлади. Ёки 10 километр масофага газ қувурлари тортилди. Бу ишларнинг ҳаммаси хўжаликнинг кучи билан амалга оширилди. Бу йил яна бир километр масофага газ қувурлари тортиш кўзга тутилмоқда. Бу иш амалга оширилгач, хўжаликдаги барча хонадонлар газлаштириб бўлинади.

— Биз иқтисодий ислоҳотларни яна ҳам чуқурлаштириш йўлидан бориб, жамоа хўжалигимизни — деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасига айлантиришни мўлжаллаб турибмиз. — дейди А. Холиқов. — Бу тадбир амалга оширилгач, фермерлар мустақил равишда меҳнат қила бошлайдилар. Ўз иқтисодларини мустаҳкамлаш жараёнида ҳиссадорлик жамиятларига айлантириладиган кичик корхоналар қурадилар. Хуллас, мулкни ўз эгаларига топшириш истиқболи белгиловчи омил эканлиги фаолиятимиз асосидир.

Хўжалик фермерлар уюшмасига айлангач раҳбарият уларнинг ички ишларига аралашмайди. Ишлаб топиладиган соф даромаднинг 70 фоизига уларнинг ўзлари эгалик қиладилар. Қолган маблағни эса уюшма раҳбарияти хўжаликнинг истисодий-ижтимоий ривожланиши ва тараққиёти учун сарфлайди. Табиийки, бу ҳолда ўз-ўзидан меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгаради.

Биз боғ-роғларни айланар эканмиз, ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнатга янгича муносабатнинг илк самараларини илғадик. Соҳибкорлар эл дастурхонига янги сара мева ва узум маҳсулотлари етказиб бериш йўлида астойдил ишламоқдалар.

О. МАЪМУРОВ.

«Тошкент ҳақиқати» бонг уради

ПАХТАНИ ЭПЛАГАН ЭКАДИ

ёки Оҳангарон туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида бор-йўғи 50 гектар ерга экилган ғўзани ўт босиб, ривождан орқада қолаётгани тўғрисида

УЗОҚ йиллик танаффусдан кейин бу йил Оҳангарон туманидаги хўжаликларда яна пахта экилди. «Янги ҳаёт» давлат хўжалиги ва «Бирлик» жамоа хўжаликлари қатори Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам эски анъанага садоқат изҳор этиб, она замин бағрига яхши ният билан чигит ташладилар. Бироқ 50 гектар ерга чигит қадалди-ю... Келинг, яхшиси дала айланиб, аҳволни ўз кўзимиз билан кўрайлик.

Хўжаликнинг Сайдали Юсупов бошлиқ бригаданинг 25 гектарлик пахта майдонлари анча серсув, кишлоққа яқин ерга жойлашган. Шароит етарли. Аммо негадир ғўзалар сийрак. Мутахассислар иштирокида ўлчаб чиқилганда , ҳар гектар ерда хатто 60 минг туп кўчат ҳам йўқлиги аниқланди. Ғўзалар жуда сийрак бўлишига қарамай, парваришга ҳам жиддий аҳамият берилмаяпти. Ниҳоллар эндигина чала-чулпа яганадан чиқарилган. Ҳамма далаларни бегона ўтлар босиб ётибди.

— Мени бу ерда ишлашга Ўртачирчиқ туманидан таклиф этишган эди, — дейди қатор ораларини культивация қилаётган механизатор Турғунбой Равшанов. — Аммо кўриб турибсиз, бундай ўт босган далада тракторнинг юриши қийин. Аллақачон далани ўтдан тозалаш, қондириб, суғориш керак эди. Афсус, бу ердагилар маслаҳатимга киришмади. Мана энди ҳар қадамда тўхтаб, культиватор ишчи органларини ўтдан тозалашимга тўғри келяпти. Бригадир Сайдали Юсупов эса бунга эътибор бермаяпти. Бунақада ҳосил тақдири нима бўлади?

Шу пайт ёнимизга келган бригадир Сайдали Юсупов механизаторнинг гапларига парво ҳам қилмади. Унга пахтани ўтдан тозалаш учун барча аҳолини жалб қилишни, хашар уюштиришни маслаҳат бердик.

— Бунинг сира иложи йўқ, — деди у. — Ерлар деҳқонларга бўлиб берилган. Ҳар ким ўз ерига ўзи жавоб бериши керак.

— Қани ўша одамлар?

Бригадир ер чизиб қолди. Маълум бўлишича, ишчилар 10 гектарлик қўшни пайкалда экан. У ерга озуқа лавлагиси экилган бўлиб, у ҳам одам бўйи ўт ичида қолиб кетган. Бунақада пахтани ўтдан тозалашга қачон навбат келади. Ҳалигача ғўзаларга бирон марта ишлов берилмаган, озиклантирилмаган ва хатто, суғорилмаган ҳам. Ғўзалар қовжираб бормоқда.

Кейин билсак, Сайдали Юсуповнинг «ютуқ»лари Жабборхон Жўрахоновники олдида «ҳолва» экан. Бу ерда ҳам 25 гектар ерга апрель ойининг ўрталарида чигит экилган. Қуруқ шудгорга ташланган чигитнинг бир донаси ҳам униб чиқмади. Суғориш тўғрисида эса, ҳеч ким бош қотирмади. Шундан кейин 25 май куни дала қайта шудгорланиб, яна чигит экилди. Бу сафар эса, далани ёпасига «қондириб» суғордилар. Афсуски, шундан кейин ҳам даланинг каттагина қисмида чигит униб чиқмади.

— Ўзимиз ҳам ҳайронмиз, — дейди сувчи Эргаш Тошпўлатов. Ярим ойдан анча ошди. Ерни қайта-қайта суғориб ётибмиз. Натижа йўқ.

Биз далани айландик, ҳар ер-ҳар ерда тупроқдан энди бош кўтарган нимжон ниҳоллар кўзга ташланади. Қизиқ, июнь ойида экилган чигитдан дурустроқ наф бўлармикан?

Бундай ачинарли аҳволнинг сабабини бригадир Жабборхон Жўрахоновдан сўрадик.

— Мен бу ерга учинчи бригадир бўлиб келдим. Аввал Исмоил Мирзалиев бригадир бўлиб, бу ерларга чигит экканди. Чиқмади. Сўнг бригадирликка бошқа одам тайинланди. У ерни қайта шудгорлади. Аммо тезда бошқа ишга ўтиб кетди. Яқинда мен келиб чигит экдим. Лекин ниҳолларнинг чиқиши жуда қийин бўлаяпти.

— Ҳамма бало ерни кузда тайёрламаганимизда, — деди оддий ишчи Эргаш ака Турғунбоев. — Пахта экиладиган ерлар одатда кузда чуқур қилиб ҳайдалади, бегона ўтларга қарши доридаланади, ернинг намини сақлаб қолиш чоралари кўрилади. Биз эса, апрель ойида эски бедапояни бузиб чигит экдик. Ер ҳам сифатли ҳайдалмади. Дорилаш мутлақо ўтказилмади. Уруғда ҳам бир кори хол бўлса керак. Экилган чигитлар билишимча, ҳеч қандай лаборатория таҳлилидан ўтказилмаган.

— Энди нима қилмоқчисизлар? — сўрайсиз бригадирдан.

— Нима қилардик, суғораверамиз, — ҳосилотнинг фикри шундай. Ажабланарли томони шундаки, Алишер Навоий номли ширкат жамоасида пахта етиштириш чуқур таназзул гирдобига тушиб қолсаю, на хўжалик раҳбарлари ва на туман агрофирмаси мутахассислари пинагини бузади.

Аттанг. Нима, бу, тажрибасизликми ёки локайдликми?

Мўмин ҚАЮМ.

ЯНГИ УСУЛ ХОСИЯТИ

Зангиота туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида хушхабар тарқалди. Қирқ икки центнер!

Дарҳақиқат, қувонишга арзигулик чинакам янгилик туғилган эди. Электр майдонида ишлов бериб экилган буғдой ўзини оқлади. Ер шароити бир хил майдонга оддий усулда экилган ғалла ҳосили эса атиги 28-32 центнерга етди. Барди-ю бу қимматли тажриба 50 центнер ҳосил бераётган қора тупроқли ерларда қўлланилса борми, 70-80 центнерга етади, деяверинг. Ҳамма кашфиёт эгасини табриклашга шошилди...

Ўзбекистон Фанлар Академияси энергетика ва автоматика институти юқори кучланишлар техникаси лабораториясининг мудири Аҳматилла Қудратиллаев иш хонасида навбатдаги ихтиро тафсилотларини қоғозга туширишдан банд эди. Телефонда уни табриклашди, зудлик билан «Туркистон»даги тажриба участкасига етиб келишини сўрашди.

Аҳматилла ака ҳосил чўғини аниқлашда атайлаб иштирок этмади. Деҳқонга маъқул бўлгани дуруст, деб ўйлади. Аммо, йиллар давомида ўтказган илмий изланишлари бир куни рўёбга чиқишига ишончи комил эди. Хўш, бу қандай янгилик?

Электр энергияси билан «тил»лашадиган олимнинг қишлоқ хўжалиги, айниқса, ғалла ҳосилини ошириш ишларидаги ихтиросининг моҳияти нимада?

Аҳматилла аканинг ўсимлик уруғларини электр майдонидан ўтказиб ишлов бериш ҳақидаги ихтиросини кўп йиллик изланиш самараси дейиш мумкин. Уни амалга оширадиган асосий ускуналарни ҳам олимнинг ўзи яратди.

Аҳматилла ака бошчилик қилаётган лаборатория, бир неча йилки, қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини юқори электр кучланишлари ёрдамида саралаш масаласи билан шуғулланиб келаётир. Илмий ходим Лазиз Ғаффоров дастлаб шолини курмакдан тозалайдиган ускуна ихтиро қилди. Туксиз чигитни саралаб берадиган ускуналар дастлаб Чиноз пахта тозалаш заводида синаб кўрилди. Олинган сара уруғ тумандаги кўпчилик хўжаликларнинг далаларига экилди. Натижа ёмон бўлмади: уруғ сарфи камайиб, 90 фоиз чигит бехато униб чиқди.

1990 йилга келиб уруғларни саралаш билан бирга юқори кучланишлар майдони орқали маълум муддат ишлов бериш ҳақидаги янгилик ихтиро қилинди. Ўзига хос «сир»и бўлган бу усулни «Туркистон» жамоа хўжалиги, Ўртачирчиқ тумани Ким Пен Ҳва номидаги халқ корпорациясида катта майдонларда Неъматилла Шоазизов билан бирга синаб кўрилди. Доннинг униб чиқишидан тортиб то бошоқ боғлагунгача бўлган агротехник жараён кузатиб борилди. Натижада ишлов бериб экилган майдонлардаги буғдой ҳосили 42,5 фоиз юқори бўлгани маълум бўлди. Ким Пен Ҳва номидаги халқ корпорациясида ҳосилдорлик 1,5 баравар кўпайди.

Президентимиз ғалла мустақиллигига эришишни муҳим вазифа қилиб қўяётган ҳозирги даврда соҳани ривожлантириш борасидаги аниқ агротехник ечимлар ниҳоятда зарур. Тўғри, буғдой ва бошқа донли маҳсулотларни саралаш бизда кеча туғилган муаммо эмас. Республика олимларининг кўп йиллик самаралари илмий изланишлари натижасида маълум тажриба тўпланган, албатта. А. Қудратиллаев бошчилигида олимлар яратган мазкур илмий ҳулосалар республикамизда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини 1,5 баравар ошириш имконини беради. Бир хил шароитдаги икки хил самара деҳқончиликда воқеа бўлди.

— Ўтган йил кузда «Қалдирғоч» навли импульсланган буғдой навидан 35 гектар ерга экиб синаб кўрдик.— дейди «Туркистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Ҳамидулла Йўлчиев.— Қўшни пайкалда эса одатдаги усул билан экилган ниҳоллар ҳам парваришланди. Суғориш, ўғитлаб ишлов бериш ҳам бир хил бўлди. Импульсланган майдонлардан униб чиққан ниҳоллар сершох, бошоқлари узун, сердон бўлиб етилди. Тажриба майдонидан олинган сара дондан 50 тоннасини янги ҳосил йили учун ғамлаб қўйдик...

Дарҳақиқат, уруғни электр майдонидан ўтказиб ишлов берилгач, ривожланиши тезлашиб 90 фоизи бехато униб чиқади. Бошоқ 10-15 кун илгари етилади. Янгича усулда экилган юзта бошоқдаги дон оддий усулда экилганига солиштириб кўрилганида 25-30 фоиз ортиқ эканлиги маълум бўлди. Ишлов берилган уруғда турли касалликларни келтириб чиқарадиган микроблар ўлади. Унга заҳарли химикатлар билан ишлов беришга ҳожат қолмайди. Натижада экологик тоза дон етиштиришга ҳам имкон туғилади.

Кашфиётлар беиз кетмайди. Жонкуяр олим А. Қудратиллаев лабораториясида халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги илмий изланиш давом этмоқда. Зеро, бу қимматли янгилик республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида меҳнат қилаётган деҳқонларга кор келишига шубҳа йўқ.

Пўлат НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНЛАРИ, АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Вилоятимиздаги корхона-ташкилотларнинг саломатлик цехлари — санаторий-профилакторийлар меҳнаткашларга хизмат қилиши лозим

Эл соғлиғи — юрт бойлиги, деб бежиз айтилмаган. Халқимизнинг бу пурҳикмат маколи остида олам-олам мазмун ётипти. Шу сабабли ҳам фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлашга ҳар қандай шароитда ҳам алоҳида эътибор бериш зурур. Очиғини айтиш керак, кейинги иқтисодий қийинчиликлар аҳолиса тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Кўпинча дори-дармонлар етишмаяпти, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника негизи замон талабларига жавоб берадиган даражада мустаҳкаланмаяпти, бунинг учун ҳамма вақт ҳам етарли маблағ ажратилмаяпти.

Шундай вазиятда меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган барча омил ва имкониятлардан аниқ мақсадни кўзлаб оқилона фойдаланиш талаб этилади. Бунда биринчи навбатда саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, хўжаликлар хузуридаги санаторий-профилакторийлар назарда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда вилоятимизда ҳаммаси бўлиб ўн бешта шундай саломатлик муассасалари ишлаб турипти. Улардаги ўринлар сони эса 1150 тани ташкил этади. Бу масканларда бир йил давомида 14 минг нафардан ортиқроқ ишчи-хизматчилар, уларнинг оила аъзолари дам олиб, ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

Энг муҳими шундаки, бундай даволаш муассасаларининг моддий-техника базалари анча яхши. Чунки уларда тиббий ёрдам кўрсатишнинг жуда кўп шаклларидан фойдаланилади, айниқса физиотерапия усуллари ва доривор ўсимликлар шарбати билан даволаш кенг қўлланилади. Бундай масканларнинг аксарияти гўзал ва мафтункор табиат қўйнида жойлашганлигини айтмайсизми! Шу томони ҳам саломатликни мустаҳкамлашга катта хизмат қилади.

«Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятининг санаторий-профилакторийси ҳам шундай гўзал табиат қўйнига жойлашган. У тоғ этагида бўлиб, 30 гектарлик янги боғ чор-атрофни эгаллаган. Улар орасидаги хиёбонлар сизни гўзал табиат сари етаклайди. Тоғлардан уфуриб турган майин ва тоза ҳаво дилларга хушнудлик бахш этади.

Машҳур курортларда ишлатиладиган нафтуссия шифобахш суви бир неча йил олдин худди шу ердан чиқди. У кўп ички касалликлар, ички органларни жарроҳ тиғи текканидан кейин даволашда фойдаланилади. Шунингдек тош келиш, пешоб йўлларининг шамоллаши, жигар, ўт пуфаги, қанд касаллиги каби хасталиклардан фориғ бўлишда жуда самарали. Даво маскани худудидаги иккинчи қудуқдан Тошкент минерал сувига ўхшаш яна бир шифобахш оби-ҳаёт чиққан. Профилакторийда даволаш жараёнида бу сувдан фойдаланилмоқда.

Биз бу ерда даволаш бўлинмалари, ҳордиқ ва ётоқ жойлари билан танишдик. У яхши моддий-техник ва даволаш базасига эга. Бу ерда 20 хилга яқин физиотерапия, электр даволаш усуллари қўлланилмоқда.

Чирчиқдаги тарнсформатор заводи санаторий-профилакторийси ҳам вилоятимиздаги энг яхши даволаш муассасаларидан биридир. Мазкур шифо масканида тиббий дори-дармонлар билан бир қаторда фойдали гиёҳлар ҳам кенг ишлатилмоқда. Сув, нур, электр нури билан даволаш бўйича яхши натижаларга эришилмоқда. Бу ерда ҳар йили мингдан кўпроқ киши шифо топмоқда. Профилакторий йўлланмаларининг баҳоси 3 минг сўм туради. Унинг ярмини корхона кўтарса ярми ижтимоий суғурта ҳисобидан тўланади. Ишчи-хизматчилар йўлланма кийматининг 10-20 фоизини, яъни 150-300 сўм тўлайдилар.

«Олмалиққўрғошинқурилиш» трестига қарашли санаторий-профилакторий ҳам кўп йиллардан бери меҳнаткашларга хизмат қилиб келаяпти. 100 ўринли бу маскан 30 йилдан бери корхона жамоаси хизматида.

Вилоятимиздаги бундай даволаш муассасаларининг рўйҳатини яна давом эттириш мумкин. Лекин минг афсуски, мана шундай катта кулайликларга, имкониятларга эга бўлган бундай масканларнинг ҳаммасидан ҳам самарали фойдаланилаётгани йўқ. Масаланинг энг оғриқ жойи шунда. Фикримизнинг далили сифатида «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятининг биз юқорида таърифини келтирган санаторий-профилакторийсини олиб кўрайлик. Афсус билан айтиш керакки, мазкур даволаш муассасасида бир ойда бор йўғи 50-60 нафар корхона ишчи-хизматчилари дам олмоқда, холос. Ваҳоланки, даволаш муассасаси 100 ўринга мўлжалланган. Ўтган йили соғломлаштириш режаси 60 фоизга бажарилганлиги янада ачинарли. Савол туғилади. Нега бу дам олиш маскани бўш қолаяпти? Нима корхона ишчи-хизматчилари бу жойга боришни истамаяптими? Бундай бўлмаса керак. Борди-ю, шундай бўлса корхона касаба уюшма қўмитаси ўз профилакторийсига эга бўлмаган корхоналар билан уларнинг ишчи-хизматчиларини соғломлаштириш юзасидан шартнома тузса бўлмайдими? Бунинг устига Оҳангарондаги қатор хўжалик ва ташкилотларда ишловчилар мазкур санаторий-профилакторийда даволанишга орзумандлар. Бу ерда даволаш самарасининг яхшилиги, қулай шарт-шароитлар, кўп дардлардан фориғ қилувчи минерал сув, дилларга хузур бағишловчи тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб ҳордиқ чиқариш шаҳарликларнинг ширин истаги-ку. Бунинг сабабларини сўраб қурилиш ва бинокорлик материаллари ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси Тўхтамиш Давлатовга мурожаат этдик.

— Вилоят тармоқ касаба уюшмаси йўналиши бўйича еттита корхонада профилакторий мавжуд, — дейди у. — Ҳозирги қийин моддий аҳвол, кўпгина корхоналарнинг пуллари етишмаслиги туфайли бу профилакторийларга йўлланмаларни сотиб олишга қурбилари етмаяпти. Маълумки, йўлланма кийматининг бир қисми корхона ҳисобидан тўланади. Ўтган йили ижтимоий суғурта ҳисобидан соғломлантириш учун йўлланмаларга режа бўйича 848 минг сўм ажратилган эди, 424 минг сўм сарфланди, холос. Шу ажратилган ва тежалган маблағни ўз тармоғимиздаги профилакторийларга йўлланма олиш учун сарфлашга рухсат берилса айни муддао бўлур эди. Тўғри бу пул ҳисобидан «Чимён», «Чорток», «Турон», «Чинобод», «Ботаника» каби санаторийларга йўлланмалар олишга рухсат берилади. Лекин корхона-ташкилотларга қарашли профилакторийга йўлланма олишга ижозат йўқ. Одамларнинг ҳозирги моддий қийин шароитда узоққа боргилари келмайди. Йўлкиранинг ўзи «чақиб» кўяди. Бу муаммони ҳал этишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ёрдам берса яхши бўлур эди. Биргина «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятига қарашли профилакторийда бинокорлик материаллари саноатининг шу ҳудудаги бошқа корхоналари, жумладан, «Оҳангароншифер», «Қурилишпластмасса» комбинатлари, «Сантехқуюв», темир-бетон буюмлари заводлари жамоалари ҳам фойдаланишлари мумкин эди. Уларда соғломлаштиришга эҳтиёж сезувчилар бугунги кунда 300 кишини ташкил этмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, республика ҳудудидаги санаторийлар йўлланмаларининг гарчанд маълум фоизи тўланса-да қиммат ва унга ҳамманинг чоғи келмайди. Масалан, «Чинобод», «8-март», «Ботаника», «Чимён», «Бўстон», «Турон», «Чорток» каби санаторийлар йўлланмалари 4000 сўм атрофида туради. «Оҳангаронцемент» профилакторийсига йўлланма 1850 сўм туради. Демак, юқоридаги таклиф амалга оширилса бир киши ўрнига 2-3 кишини соғломлантириш мумкин бўлар эди.

Шунингдек, айрим сабабларга кўра Ангрен кулолчилик комбинати

САНЪАТКОРНИ ЭСЛАБ

Умрини санъатга бахшида этган Тамарахоним ҳаётда ўчмас из қолдирди. Халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати бўлган бу аёл ўзбек миллий санъатини юксалтириш ва жаҳонга танитишга улкан ҳисса қўшди.

Пойтахтнинг гўзал гўшаларидан бирида жойлашган Тамарахоним уй-музейи санъаткорнинг хотира куни — 30 июнда ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Опани эслаб, руҳини шод этгани унинг қариндош-уруғлари, мухлислари, касбдошлари бу ерга тўпланди. Санъаткорни яқиндан билган кишилар у билан бўлган унутилмас учрашувлар ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бердилар. Тамарахонимнинг шогирдлари, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, Ҳамза, Успенский номидаги мусиқа билим юртларининг талабалари иштирокида концерт намойиш этилди.

(ЎзА).

«Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Мен барча нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» газетасини ҳам севиб ўқийман. Айниқса, кейинги пайтда эълон қилинаётган инсон одоби, аҳлоқ ва бошқа турли мавзудаги саҳифалар киши эътиборини ўзига жалб этмоқда. Маҳмуд Тоировнинг «Бахт недур? Бахтсизлик не?», шу йилнинг 26 апрель сонида эълон қилинган Ш. Обидованинг «Қайнонадан бўлак турган яхшими?» номли баҳсга тортувчи мақолалари ҳам эътиборга лойиқ. Мен шу хусусда ўз фикримни билдирмоқчиман».

«ҚАЙНОНА КЎРГАН КЕЛИН-ДА»

Қайнона ҳақида хилма-хил қарашлар бор. «Беш қўл баробар эмас», деганларидек оқила, келинини ўз қизидек кўрадиган қайноналар оз эмас. Ундан бир нафас айрилмасам, дейдиган келинлар ҳам бор. Аксинча, ҳар бир ишингдан камчилик топиб, юзингга соладиган қайноналар кўп бўлмаса-да, уларнинг келинлари «тезроқ қутулсам, алоҳида яшаб, юзага чиқсам» деса ажаб эмас. Бизнинг маҳаллада юздан ортиқ оила бўлиб, саноқли хонадонлардагина қайноналар бор. Негаки, барчамиз янги участкага кўчиб чиққанмиз, кўпчилигимиз оиладаги бош келинмиз. Бирортамиз ҳам қайнонамиздан нолимаймиз. Аксинча, улар уйимизга келиб меҳмон бўлиб кетишса, бағримиз тўлиб, фарзандларимиз суюниб уларни ўтказишга жой тополмай қоладилар. Деярли ҳамма

Акс-садо

келинлар мустақил ҳолда ўз рўзғорларини турмуш ўртоқлари билан тебратиб, тинч-тотув яшайдилар. Эрталаб кўчаларга сув сепамиз, ҳайит кунлари ош улашамиз, бирор йиғин бўлса қатордан қолмай қатнашамиз. Буларнинг бари — қайноналаримиз туфайли.

Биз ҳаммамиз қайноналаримиз удумларини ўрганганмиз, бирга яшаганда насиҳатларига қулоқ солганмиз, қарабсизки, энди кам бўлмай, осойишта яшаяпмиз. Ён қўшним Зуҳра келин СамПИда ўқийди, қайнонаси Бахри ая ўғли Ҳикматиллани парваришлайдилар. Ниҳоятда меҳнаткаш, ширинсўз аёл. Зуҳра ҳам «Ойим бўлмасалар қандай қилиб ўқирдим», — дейди. Бирор марта келинларига қаттиқ гапирганларини эшитмаганман. Келинлари ўқишдан келгунча ҳам болага қарайдилар, ҳам томорқага. Бутун ерни яшнатиб, экин экиб қўйганлар. Ҳам ўзлари ишлайдилар, ҳам ўргатадилар. Бирор ёққа кетсалар ҳаммаёқ ҳувиллаб қолади. Биз қўшнилар ҳам дарҳол суриштириб қоламиз.

Қайнона — уйнинг файзи, рўзғор бутунлиги, оила осойишталиги посбони. Қайнона билан бирга турган яхши, тақдир тақозоси билан бўлак турса, ўша уйда олган сабоқларига амал қилмоғи лозим. Шунда «Қайнона кўрган келин-да» деган олқишга сазовор бўлади. Яна бир гап, «Алоҳида турган яхши» деган гап чиқмаслиги учун қайноналар ҳам инсофли ва одил бўлсалар, нур устига аъло нур бўлади.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи,
муаллима, Халқ таълими аълочиси.



Беғубор, шўх ёшлигим.

Даврон АҲМАД суратлавҳалари.

Оралиқ марра мулоҳазалари

ФУТБОЛ ЖОЗИБАСИ ПАСАЙМАСИН

- ***Ўзбекистон миллий биринчилиги олий табақаси қатнашчилари мавсумнинг биринчи даврасига якун ясадилар.***
- ***Яккахонликка барҳам бериладими?***
- ***«Политотдел» жамоасининг икки хил ўйини.***
- ***Янгича ҳисоб-китоб афзалми, ёки?***

Мана, 1995 йилги футбол мавсумининг ярми ҳам ортда қолди. Оралиқ марра ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан олдин футбол мухлисларининг эътиборини ўтган шанба ва якшанба кунлари бўлиб ўтган **15-тур** натижаларига қаратмоқчимиз: **«Трактор» — «Политотдел» — 1:3, АСК — «Сўғдиёна» — 2:0, «Наврўз» — «Темирйўлчи» — 3:1, «Янгиер» — МҲСК — 1:1, «Атласчи» — «Навбаҳор» — 0:3, «Чирчиқ» — «Нурафшон» — 0:1, «Машъал» — «Нефтчи» — 0:2, «Пахтакор» — «Динамо» — 2:0.**

Яна оралиқ маррасига Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари биринчи бўлиб етиб келдилар. Улар 38 очко тўпладилар. Лекин чемпионлик учун кураш қизийдиган кўринади. Бухоронинг «Нурафшон», Наманганнинг «Навбаҳор» ҳамда Тошкентнинг Марказий Ҳарбий спорт клуби жамоалари «Нефтчи» билан соя-ма-соя келишмоқда. Бу йил ҳам мухлислар «Пахтакор»ни совриндорлар қаторида кўра олишлари амримаҳолга ўхшайди. Лекин спорт, айниқса, футбол кутилмаган натижаларга, тасодифларга бой. Буни вилоятимиз вакиллари «Полтиотдел» яна бир бор исботлади. Мавсумни дуранг билан бошлаб, тўққиз тургача ғалаба нималигини билмаган, етти марта майдондан бош эгиб кетган ва бор-йўғи икки очко билан энг сўнгги поғонада қолиб келаётган қишлоқ футболчилари Марказий Ҳарбий спорт клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар-у, ишлари юришиб кетди. Биринчиликнинг қолган ўйинларини ўта кўтаринки руҳда ўтказиб, мағлубият нималигини билмадилар. Сафарда ҳам, ўз майдонларида ҳам ҳужумкор ўйин кўрсата бошладилар. Жамоанинг янги мураббийси Рустам Мирсодиқов, команда бошлиғи Маҳмуд Раҳимов, клуб раиси Е. Тен, шогирдлари дилини топиб, уларда ғалабага ишонч руҳини уйғота олдилар. Чемпионатнинг сўнгги олти учрашувида «Политотдел» 14 очко тўплади. Ўйнаса бўларкан-ку! «Политотдел» ўз мухлислари қалбида сўнган умуднларни қайта аланга олдиришга муваффақ бўлди. Жамоанинг етакчи ўйинчиларидан бўлган Жаъфар Ирисметов ҳисобида 9 та тўп бўлиб, у кўп тўпурарлар рўйхатида олдингилар сафида бормоқда.

«Политотдел» МҲСКни енгтач, ўз майдонида Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасини 4:0, Самарқанднинг «Динамо» футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, сафарда «Сўғдиёна» ҳамда ўз майдонида «Пахтакор» билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Жиззахда кучли жамоа бўлган «Сўғдиёна» билан ҳам, «Пахтакор» футболчилари билан ҳам бўлган учрашувларда биринчи бўлиб ҳисобни очди. Майдонда устунлик қилди. Лекин якунловчи паллада ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юбориб, дуранг билан кифояланди. Биринчи даврани эса Тошкентда «Трактор» жамоасига қарши бўлган ўйинда ғалаба билан якунлади. Агар мавсумнинг дастлабки тўққиз турида «Политотдел» бунчалик муваффақиятсиз ўйнамаганда бугун турнир жадвалидаги ўрни анча юқори бўлган бўларди.

Мана, уч йилдирки Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Ўзбекистон футболида карвонбошилик қилмоқда. Агар ўтган йил фарғоналиклар жами 30 та ўйиннинг 21 тасида ғолиб келиб, 9 тасини дуранг қилишган ва бирон марта ҳам енгилишмаган бўлса, бу йил улар Андижонда «Наврўз»дан мағлубиятга учрадилар. Бухоронинг «Нурафшон», Наманганнинг «Навбаҳор», Тошкентнинг МҲСК жамоалари чемпионга муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Бу ҳол эса мавсумнинг кейинги ўйинларини янада кескин ва қизиқарли ўтишидан дарак бермоқда. Чемпионлик учун даъвогарлик қанчалик кучайса, кураш шунчалик кескин тус олади. Натижада футболчиларимизнинг маҳорати ошади. Пировардида эса футболимиз савияси кўтарилади.

Биринчи даврадан сўнг жамоаларнинг жадвалдаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар	Ю	Д	М	Т	О
«Нефтчи»	12	2	1	43-16	38
«Нурафшон»	11	1	3	31-17	34
«Навбаҳор»	10	3	2	23-9	33
МҲСК	9	4	2	33-12	31
«Пахтакор»	7	5	3	26-14	26
«Наврўз»	6	3	6	19-19	21
«Сўғдиёна»	6	2	7	24-19	20
АСК	5	3	7	20-27	18
«Трактор»	4	5	6	14-20	17
«Янгиер»	4	4	7	19-18	16
«Политотдел»	4	4	7	21-28	16
«Динамо»	4	3	8	11-21	15
«Атласчи»	4	3	8	15-27	15
«Темирйўлчи»	4	1	10	13-31	13
«Чирчиқ»	2	5	8	9-21	11
«Машъал»	2	4	9	7-29	10

Ғалаба, дуранг ва мағлубият учун бериладиган очколар ҳисоб-китобида янгича усулга ўтиб тўғри қилиндими? Бу янги тартиблан футболимиз ютяптими ёки ютқазяптими? Бизнингча ютяпти. Футбол мутахассислари ҳам, мухлисларнинг аксарияти ҳам ана шундай фикрда. Қолаверса, жуда кўплаб мамлакат биринчиликларида ана шундай ҳисоб-китобга ўтилганига анча бўлди. Бу биринчидан ғалабанинг салмоғи ва қадрини оширади. Дуранглар қадрини пасайтириб мағлубият аламини қучайтиради. Бир сўз билан айтганда курашни кескинлаштириб, футбол жозибасини оширади.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

ВИЛОЯТ ДАРВОЗАЛАРИ БЕРКМИ?

ёки осон йўл билан пул топиш мақсадида эл ризқини қияётган фирибгарлар ҳақида

Тошкент вилоят божхона хизматчи нозирлари вилоятдан чиқадиган йўлларда сергак туриб, олиб кетилаётган ва келтирилаётган барча турдаги молларни назорат қилиб бормоқдалар. Сирасини айтганда, бошқарма ва постларда ходимларнинг иш вақти ниҳоятда тиғиз ва ўлчовли. Негаки, орамизда турли хил қимматли бойликларни ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқиб кетишга уринаётган кимсалар ҳали ҳам бор. Давлат иқтисодий манфаатларига зиён етказаётган ана шундай қонунбузарлар қилмишини фош этиб, божлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаётганларни текшириш ва суриштириш, шу юзадан тегишли ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш ва ишни охирига етказишни таъминлаш улар зиммасида. Қуйида божхона ходимлари фаолиятига оид айрим фавқулодда воқеаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1. САРЁҒФУРУШЛАР

... Ярим тун эди. Оғир юк ортилган КаМАЗ автомашинаси божхона назорати постига яқинлашганида бир тўхтаб, сўнг тезлигини яна ошира бошлади. Божхона ходимлари шубҳаланиб, уни тўхтатдилар.

— Ҳужжатларингиз? — нозирлар шофер Газим Готиятулиндан талаб қилар экан сўрадилар. — Нима ортгансиз?

— Сарёғ, — тили калимага келмай қолган Г. Готиятулин қалтирагانича ҳужжатларини нозирга тутқазаркан деди.

Божхона ходимлари юк ва машинанинг барча ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечиришди. Унда «Халфред» фирмаси С. Барлибоев деган кимса орқали «Бўстон» фирмасига жами 885612 сўмлик 8400 килограмм сарёғни давлат белгиси 18—55 ТНП бўлган КаМАЗ машинасида юборяётгани қайд этилган эди. Айрим ишбилармонларнинг бу хилдаги қилвирликларини кўравериб, кўзлари пишиб кетган божхона ходимлари яна сўраб-суриштиришда давом этдилар. Газим Готиятулин аввалига бироз тихирлик қилиб турди-да, сўнг нарирокда, йўл ёқасида турган «Жигули» автомашинаси ўрнидан тез кўзғалиб, қочиб қолганини кўргач, дадилланиб тилга кирди. У сарёғни Тошкент шаҳрининг «Пахтакор» стадиони ёнидаги хусусий ҳовлилардан бирида машинага юклаб бершганини ва уни Қозоғистонга омон-эсон етказиб беришни топширишганини гапириб берди. Ҳозиргина қочиб қолган «Жигули»нинг ҳайдовчиси уни кузатиб бораётганини ҳам яшириб ўтирмади.

Ана шундан кейин божхона ходимлари қилни қирқа ажратишни бошлаб юборишди ва ўзини ишбилармон деб атаб юрган бир қанча кишиларнинг қилмишлари ҳамиздан қил суғургандек бирин-кетин очила бошлади.

Дарҳақиқат сарёғни машинага Шайхонтоҳур тумани Яхшилик кўчасидаги 84-уйда юклашган экан. Бу ҳовлини эса «Фаина Инвест» фирмаси ижарага олган, унинг раҳбари Асия Юнусова ҳам ўз навбатида бинони 15 тонна сарёғ сақлаш учун «Халфред ЛТД» фирмасига ижарага берган экан. Асли нукуслик, аммо Яккасарой тумани Каманин кўчасидаги 53-уйда истиқомат қилиб, «Халфред»га раҳбарлик қилаётган Петр Владимирович Шкалин ҳақиқатан ҳам сарёғ ўзиники эканлигини эътироф этаркан:

— Ёнимда бир ярим миллион сўмлик чек дафтарчаси бор эди. Шу пулга Фарғона водийсидан 15 тонна 20 килограмм сарёғ сотиб олдим. Мана шу ҳақда берилган олди-сотти ҳужжатлари, — у шундай деяркан 21 апрель куни ёзилган иккита накладнойларни божхона ходимларига тутқазди.

П. Шкалин водийда ишини битказиб, юкни Шайхонтоҳурдаги ҳовлига эсон-омон тушириб олгач, А. Юнусованинг ёрдами билан ёғга Сергей Борлибоев деган каридорни топиб шу куниёқ унга 8400 килограммини мўмай фойда ҳисобига пуллаб юборди. Сергей Сеуринбоевич ҳам шу куниёқ сохта ҳужжат тўлдириб, юкни Газим Готиятулиннинг КаМАЗ автомашинасига ортиб «Қозоғистон қайдасан», деб йўлга чиқаверган. Божхона ходимлари Яхшилик кўчасидаги ижарага олинган омборни текшириб кўришганида янги харидор учун сақланаётган ҳар бири 20 килограммлик 258 қути жами 5160 килограмм сарёғни топишди.

Энди гапни ёғфурушликни ўзига касб қилиб олган бошқа бир гуруҳ савдогарлар ҳақида эшитинг. Божхона нозирлари Тошкент айланма йўлида келаётган давлат номери 74—54 КГН бўлган «Икарус» юк автомашинасини тўхтатганларида, унинг ҳайдовчиси Геннадий Миронов кўп ҳам тихирлик қилиб ўтирмай, юкхонага ҳар бири 20 килограммдан 135 қути маргарин ёғи ортилганини тан олди. Унинг ўзи Қарағанда шаҳридаги 3-автокорхонада ишлар экан. Юк эгалари Виктор Пранге, Виктор Ауст, Виктор Мауре, Валентина Зелёная ва Андрей Готридлар экан. Улар машинани «Тошкентдан савдо қилса бўладиган арзонроқ мол ортиб келиш учун» Қарағанда шаҳридан кира қилиб келишган экан.

— Ҳозир улар каерда? — сўрашди нозирлар.

— Қарағандага кетишган. Юкни ўша ерда қутиб олишади.

— Ёғни қаердан сотиб олишди? — яна сўрашди нозирлар.

— Чорсу бозоридан. — Г. Мироновнинг гапдони очилиб деди. — Хўп бозормисан бозор экан, ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин. Биров нега шунча мол оляпсан, деб суриштириб ҳам ўтирмайди...

Орадан кўп ўтмай божхона ходимлари шофёри нимадандир ҳадиксираб атрофга аланг-жаланг қараб келаётган 08—79 ЧМТ номерли автобусни тўхтатишди-ю, ичкарида бир тонна — ҳар бири 25 килограммлик 40 қути сарёғ ортилганини кўриб қолишди. Юк Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам туманидаги Белово қишлоғилик Ғолим Ўтепбергеновники экан. Унинг қўлида ёғ учун бирор ҳужжат йўқ, «Янгийўллик аллақайси одамдан нақд пулга сотиб олдим» дейди.

— Шунча ёғни нима қилмоқчисиз? — нозирлар сўрашганида, у:

— Бола-чақаларим кўп, рўзғор учун сотиб олдим, — деди-да, ёлғон гапираётганидан ўзи ҳам уялиб қизариб кетди.

Беш бармоқ баравар бўлмаганидай божхона нозирлари тўхтатган юкли автомашиналарнинг шоферлари ҳам ўзларини ҳар хил қиёфада тутадилар. Бировлар оғир-босиқлик билан вазиятдан осонгина чиқиб кетмоқчи бўлсалар, баъзилари ҳадиксираб, ўзларини ўёқ-бўёққа ташлаб фош бўлиб қўяқолдилар. Айримлари эса саҳнада роль ўйнаётган артистлардай сувдан қуруқ чиқмоқчи бўладилар. «Янгиобод-2» постида кетма-кет келаётган С 65—35 ТШ ҳамда С 86—14 ТШ белгили иккита шахсий КамАЗ автомашинаси тўхтатилганида Чиноздаги «Йўлтушган» жамоа хўжалигининг Охунбобоев номли участкасида яшайдиган ҳар иккала шофер Маҳмуд Холиқов билан Абдуназар Ғафуров ҳам ўзларини ғўё ҳеч нарса бўлмагандай бепарво тутиб, саволларга хотиржамлик билан жавоб қайтаравердилар.

— Ҳаммаҳалламиз Захаря Изнуллаевага ёлландим, — деди Маҳмуд Холиқов, — Абдуназар эса Чиноэнинг Дўстлик кўчасида яшайдиган Тоир Мажидовнинг юкини олди. Қаерга кетяпсизлар, дейсизми? Россиянинг Челябинск шаҳрига. Юк эгалари бизларни ўша ерда кутиб олишмоқчи эди. Қандай юк? Ҳа, энди, уларнинг иккови ҳам деҳқон одамлар бўлганидан кейин пиёзми, ерёнғоқми, ҳар ҳолда шунга ўхшаган нарсаларни ортишади-да. Юкнинг ҳужжатлари дейсизми? Ҳе, омон бўлинг ака, деҳқонда ҳужжат нима қилсин, — у нозирларнинг машина орқа эшикларини очаётганини кўриб, нафаси ичига тушиб кетди. — Ҳой, нима қилаяпсиз? Менга ишонмаяпсизми?

С 65—35 ТШ белгили машинадан 3,2 тонна пиёз, 5405 килограмм гуруч, 344 банка бодринг ва помидор консерваси чиқди. Аммо уларнинг ортидан кўздан нарига яширилган икки тонна сариёғ ва 1020 килограмм маргарин ёғини ҳам туширишганида Маҳмуд Холиқов бутунлай тилини тишлаб қолди. Буни қарангки, юклар С 86—14 ТШ белгили автомашинага ҳам худди ана шундай тартибда ортилган экан. Эшикка яқин тахлаб қўйилган қоплардаги 1547 килограмм мева қоқи, 1850 килограмм ерёнғоқ, 1750 та супурги, 1807 килограмм пиёз машинадан бўшатилгач, яшириб қўйилган 180 та ички кийимкечак, 1368 килограмм маргарин ёғ ва 1760 килограмм сариёғ ҳам туширилди.

— Пиёз, супурги, ерёнғоқлар-ку, деҳқонларнинг экин майдонларида етиштирилгандир, аммо ички кийим, сарёғ ва маргаринларни қаердан олдинглар? Бунинг устига на унисига, на бунисига ҳужжат бўлмаса? — нозирларнинг бу саволи ҳар иккала шоферни бутунлай эсанкиратиб қўйди.

— Қайдам, эгаларидан суриштирингилар, — дея олдилар холос.

Ана шундай қилиб бир гуруҳ ёғфурушлар халқ ризқини қийиб, мўмай фойда олиш мақсадида кимлардандир сотиб олган сарёғни республикадан ташқарига олиб кетаётганларида қўлга тушдилар. Қонунга хилоф тарзда иш кўрганлари сабабли уларнинг бу сарёғлари мусодара қилинди. Албатта, ўзларини тадбиркор, ишбилармон деб атаб камёб ҳисобланган озиқ-овқатларни мамлакатдан ташқарига яширинча олиб чиқмоқчи бўлган бу кимсаларни сира ҳам оқлаб бўлмайди.

Гап шу ерга келганда эътиборни воқеанинг яна бир жиҳатига қаратмоқчимиз. Божхона ходимларининг ёғфурушлар билан савол-жавобларида Олег Шкалин 15 тонна 20 килограмм ёғни Фарғона водийсидан, бошқа ёғфурушлар эса Чорсу ва бошқа бозорлардан сотиб олишганини эътироф этишди. Дарҳақиқат, бозорларда ҳозир ҳамма нарса сотилади. Аммо кимлардир тонналаб сарёғни харид қилаётгани наҳотки ҳеч кимни хушёр торттирмаган бўлса?! Мана шуниси ажаблантиради кишини.

Ҳа, вилоятимиздан бошқа республикага чиқадиган дарвозалар кўп. Ҳалол, виждонан ишлайдиган, эл-юрт насибасига путур етказмайдиган кишилар учун бу дарвозалар ҳамиша очиқ. Аммо халқнинг ризқ-рўзини қийиб, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган шахслар учун эса бу дарвозалар берк.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХОТИРА ТУРНИРИ

ЧИНОЗ. Тумандаги М.Пўлатов номли 28-ўрта мактабда шахмат устаси, марҳум А.Исмоилов хотирасига бағишлаб мусобақа ўтказилди. Биринчи хотира тахтасида А. Исмоиловнинг укаси Норали Исмоилов ва иккинчисида эса яна бир чинозлик шахмат устаси М. Умаровнинг ўғли Баҳодир Умаров дона суриб, мусобақани бошлаб бердилар. Кун бўйи давом этган ва 32 нафар ўйинчи иштирок этган турнир якунларига кўра Ж.Каримов ғолиб деб топилди. Тўлқин Бобоев — иккинчи ва Баҳодир Умаровлар учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга хотира турнири ҳомийлари-туман халқ таълими бўлими касаба уюшмалари, Ёллама қишлоқ кенгаши ва Охунбобоев номли жамоа хўжалиги совғалари топширилди.

А.МУҲАММАДАЛИЕВ.

ТОШКЕНТДАГИ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИДА

Шахмат бўйича жаҳон биринчилигининг Тошкентда ўтказилаётган зона саралаш мусобақасида саккизинчи давра ўйинлари тугади.

Эркаклар орасида ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Александр Ненашев 7 имкониятдан 5,5 ҳол билан пешқадамлик қилмоқда.

Ўзбекистонлик яна бир шахматчи — Шуҳрат Сафин ҳисобида беш ҳол бор. Лекин у битта ўйин ортиқ ўйнаган. Бошқа бир ҳамюртимиз Сайдали Йўлдошев билан мўғулистонлик Шарфдорж ҳисобида 4,5 тадан ҳол бор.

Аёллар орасида қозоғистонлик шахматчилар яхши натижа кўрсатмоқда. Тамара Клинк етти имкониятдан 5,5 ҳол тўплаган бўлса, Флюра Ускова 8 ўйинда шунча ҳол олди.

Қозоғистонлик Элвира Сахатова билан туркманистонлик Мехри Авезова етти ўйиндан сўнг 4,5 тадан ҳол олиб, учинчи ўринда боришмоқда.

(ЎзА).

ЭЛЛОНЛАР

БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИ 1995—1996 ўқув йилига ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

Фортепиано, торли, нафасли ва урма асбоблар, халқ чолғу асбоблари, ашула, хор дирижёрлиги ва мусиқа назарияси.

МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА ЁКИ ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА, ҲАМДА БОШЛАНҒИЧ МУСИҚА БИЛИМИГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари тегишли давлатлараро шартнома ва битимларда белгиланган шартлар ва тартибга кўра ҳамда индивидуал контрактлар асосида қабул қилинадилар.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

директор номига ариза, ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақида ва бошланғич мусиқа саводи ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси, 086/У ҳажмидаги соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумотнома, 3х4 ҳажмидаги фотосурат (4 дона), паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

ХАЛҚАРО, РЕСПУБЛИКА ҚЎРИКЛАРИНИНГ СОВРИНДОРЛАРИ ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ 1995 ЙИЛ 20 ИЮЛГАЧА.

Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Школьная кўчаси, 14-уй. Телефонлар: 2-46-04, 2-46-03.

Зангиота туманидаги 20 сотих ҳовлиси бор 5 хонали уй (участка) СОТИЛАДИ
МАНЗИЛ: Собир Раҳимов метросидан 6 километр.
Телефонлар: 33-11-07, 33-24-70.

Тошкент — Тўйтепа йўлида жойлашган «ШУҲРАТ» жамиятига қарашли «Қорасув» жамоа хўжалиги 2-участкасидаги ОШХОНА СОТИЛАДИ
Харидорлар Ўртачирчиқ тумани, Бектемир қишлоғи, Навоий кўчаси, 24 «а»-уйга ёки 92-91-98 рақамли телефон орқали мурожаат қилсинлар.

Шайхонтоҳур туманидаги «Силуэт» кооперативи 1995 йил 1 июлдан **ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар бир ой ичида қабул қилинади
тел. 53-89-97

«Усто» бирлашмасининг бензин талонлари 1 ва 2 чорак учун мўлжалланган 3 бурчакли муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Миробод туманидаги 154-мактаб томонидан Авазова Камола Убайдуллаевна номига берилган АУ №301174 аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш таъмирлаш-қурилиш корхонасининг йўқолган Думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Муҳаррир: **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0289. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.00. 1 2 3 4 5 6